

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

**ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ
ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**
модули бўйича

ЎҚУВ–УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Г.Тўлаганова – ТДЮУ “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси профессори

Такризчи:

Б.Хидоятлов – ТДЮУ “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	20
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	39
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	44
VI. ГЛОССАРИЙ	72
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	79

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг илғор таълим технологиялари ва таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда меҳнат қонунчилиги соҳасидаги сиёсат ва унинг асосий йўналишлари, меҳнатга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳасининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, шунингдек жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи институтларини танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш, мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, жиноят ва жиноят-процессуал муносабатларга оид қонунларни амалда қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш “Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари” модулининг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жиноят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;
- жиноят-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилиш, ҳуқуқий усул ва воситаларини;
- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;
- суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни билиши керак.

Тингловчи:

- жиноят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллай олиш;

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларни ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, процессуал ҳужжатлар, юридик ҳулосалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгрок фойдаланиш;

- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгрок фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича ҳуқуқий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- қабул қилинган қонунларни шарҳлаш ва таҳлилий маълумотнома ёзиш;

- маълумотлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва саралаш;

- ҳуқуқий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш;

- мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишда видео маърузаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;

- жинойят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- жиноят-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш;

- ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моғиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш;

- коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чораларини қўллаш;

- жиноят-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- жиноят ҳуқуқи ва процесси, шунингдек юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- махсус фанларини ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда кўчма машғулотлар тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари” модули”, “Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари”, “Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси”, “Тизимли таҳлил ва юридик фанлар интеграцияси” каби бир қатор ҳуқуқий йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат		
			Аудитория ўқув юкلامаси		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот
1.	Коррупцияга қарши курашишнинг стандартлари	2	2		
2.	Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари	2		2	
3.	Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги	2		2	
4.	Биринчи ва юқори инстанцияларда иш юритиш тартиби	2			2
5.	Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар	2		2	
6.	Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш	2			2
7.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш	2		2	
	Жами	14	2	8	4

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари

Коррупция жиноятчилигининг тушунчаси ва келиб чиқиш сабаблари. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чоралари. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

2-мавзу. Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари

“Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти. “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси. “Хабеас-корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати.

3-мавзу. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг жазо тизими.

5- мавзу. Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар

Далиллар. Исбот қилишнинг умумий шартлари. Тергов ҳаракатлари ва уларни ўтказиш тартиби.

7-мавзу. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш. Жиноий фаолият натижасида топилган даромадни мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш. Суд муҳокамасининг умумий шартлари. Суд

мажлисининг тайёрлов қисми. Суд тергови. Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи. Ҳукм.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш. Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Ўқитишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- дидактик ва ролли ўйинлар, давра суҳбатлари (таклиф қилинган шартларга асосан ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш, эшитиш ва мантиқий ҳулоса қилиш қобилиятини шакллантиради);

- кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборот ни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);

- баҳс-мунозара (аргумент ва далиллар келтириш қобилиятини шакллантиради);

- кластер, синквейн (ахборот ёки бирон-бир тушунчани қисқа баёнини тузиш кўникмани шакллантиради);

- кичик гуруҳларда ишлаш, бумеранг (материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этишни ривожлантиради);

- блиц ўйин, қора қути (аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини йўл-йўлакай аниқлашга йўналтирилади);

- резюме методи (тингловчиларни бирор мавзунинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарларини белгилашни ўргатади).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

Махсус адабиётлар:

1. Усмоналиев М. Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 662 б.
2. Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009. – 379 б.

Хорижий адабиётлар:

1. Колоколов Н.А. Судебный контроль в уголовном процессе. –М.: Закон и право, 2009. –с.с. 45–72.
2. Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –В 483.
3. Лопашенко. Н. А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реализации. Уголовноеправо в XXI века. М., Лекс Эст, 2009.
4. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, Dundee University Press.

5. W. Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), page 80.

6. An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer, Cambridge University Press.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. [http:// www.law.uk.edu](http://www.law.uk.edu)
5. [http:// www.legislature.ru](http://www.legislature.ru)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

—Хулосалаш методидан маъруза машғулотида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Намуна:

Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари					
Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси		Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси		Шахсни лавозимидан четлаштириш мажбурлов чораси	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

Намуна: Дастлабки тергов устидан суд назоратини амалга оширишнинг таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг кучли томонлари	Дастлабки терговга холислик, тортишувчанлик, судга мурожаат қилиш эркинлиги каби принциплар
----------	---	---

W	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг кучсиз томонлари	Суд назоратининг доимий эмаслиги, яъни барча мажбурлов чораларини қамраб олмаслиги
O	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг имкониятлари (ички)	Суднинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди
T	Тўсиқлар (ташки)	Суд фаолиятига турли таъсирлар

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (—case – аниқ вазият, ҳодиса, —study – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	- якка тартибдаги аудио-визуал иш; - кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); - ахборотни умумлаштириш; - ахборот таҳлили; -муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширишни белгилаш	- индивидуал ва гуруҳда ишлаш; - муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; - асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	- индивидуал ва гуруҳда ишлаш; - муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; - ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; - муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	- якка ва гуруҳда ишлаш; -муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;

	- ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; - якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш
--	--

Кейс. Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани судида жиноят содир қилган лейтенант С.га нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди. Лейтенант С. ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди ва унга нисбатан ҳукм ўқилди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:
Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда)
Суд томонидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кетма-кетлигини аниқланг (жуфтликлардаги иш)

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	фикрингизни баён этинг
С	фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: —Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Пенализация	Жиноят деб топилган қилмишлар учун давлат томонидан нисбатан қаттиқроқ жазоларни белгилаш; жиноий жазоларнинг турлари ва миқдорларини аниқлаш	
Патернализм	Шахслар ҳаётининг яхшироқ бўлишини таъминлаш ёки уларни турли шикастлардан ҳимоя қилиш мақсадида шахсларнинг	

	ҳаракатларига, уларнинг хоҳишига қарши, давлатнинг ёки бошқа шахснинг аралашуви.	
Легаллаштириш	Ҳозирда ноқонуний бўлган нарсага қарши қонуний тақикни олиб ташлаш жараёни	
Коррупция	Бу шахсий фойда олиш мақсадида маълум мансаб ишониб топширилган одам томонидан амалга ошириладиган виждонсизлик кўриниши	
Мансабдор шахслар	Ҳукумат ёки ташкилотда маълум мансабга эга ва юқори лавозимда иштирок этувчи шахс	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги —якка баҳо колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини —гуруҳ баҳоси бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни —тўғри жавоб бўлимига ёзиш сўралади.

4. Тўғри жавоб бўлимида берилган рақамлардан —якка баҳо бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса —0, мос келса —1 балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг —якка хато бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда тўғри жавоб ва гуруҳ баҳоси ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар гуруҳ хатоси бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Суд муҳокамаси босқичлари кетма-кетлигини жойлаштиринг.

Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми					

Суд тергови					
Тарафлар музокараси					
Судланувчининг охирги сўзи					
Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш					

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари

Режа:

1. Коррупция жиноятчилигининг тушунчаси.
2. Коррупция жиноятчилигининг келиб чиқиш сабаблари.
3. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар: коррупция, коррупцияга қарши кураш, халқаро миқёсдаги коррупция, глобал коррупцияга қарши сиёсат, коррупцияга қарши ислоҳот, коррупцияга қарши пропаганда.

Коррупция жиноятчилигининг тушунчаси

Демократик кадриятлар қарор топиб бораётган бугунги шароитда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий ташаббускори ҳамда уларнинг ҳаётга кенг жорий этилишида энг катта масъулиятни зиммасига олган шахслар, яъни мансабдор шахслар ҳамда бошқа давлат хизматчилари томонидан жиноят содир этилиши давлат ва жамият манфаатларига путур етказди, ўз навбатида, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеидан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини янада оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деб белгиланган. Асосий Қонуннинг бу талаблари давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият механизмларида ёки уларнинг соҳаларида мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади, давлат аппаратининг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини белгилаб беради. Давлат аппарати тизимида хизматчиларнинг ўз манфаатини кўзлаб, мансаб ваколатларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши, порахўрлик, талон-тарож бошқача айтганда, уюшган ёки коррупциявий жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги айнан шу тизим бузилишига ёки зарарланишига сабаб бўлади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказди.

Шу сабабдан, коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этиш бу борада кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Коррупцияга қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим роль ўйнайди. “Биз қачонки коррупциялашган элита фуқароларни таълим олиш, соғлиқни сақлаш, асосий инфраструктуралар ва амалдаги давлат хизматидан фойдаланишини чеклаб, ўз мамлакатидан юз миллионлаб ва ҳатто миллиардлаб долларларни талон-тарож қилган пайтда, узоқ вақт кўзимизни бошқа тарафга қаратиб турдик”, деб ёзган эди БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан ўзнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича учинчи Глобал форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатида. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу халқаро ташкилот коррупция муаммосига жиддий эътибор бера бошлади.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабрь ойида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси муҳим ўрин тутди. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган универсал ташкилот БМТ даражасида ҳам оддий инсонлар манфаатларини кўзлаб коррупцияга қарши халқаро конвенция қабул қилинганлиги улкан аҳамиятга эга.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашга ўзларининг фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин: БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Трансперенси Интернейшнл халқаро ноҳукумат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Америка Давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Араб давлатлари Лигаси, Бутунжаҳон божхона ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар. Ушбу ташкилотлар томонидан коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа давлатларни, халқаро бизнес ташкилотларини бу салбий феноменга қарши курашга жалб қилишга қаратилган қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Кейинги ўн йилликда қатор халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда ташаббускорлик кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни бу иллатнинг олдини олишда ҳамкорликка даъват этиб келмоқда.

Хусусан, юқоридаги ташкилотлар томонидан ёки уларнинг иштирокида қабул қилинган қуйидаги халқаро шартномаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция;

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция;

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция;

Африка Иттифоқининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисидаги 2003 йил 12 июлдаги Конвенцияси;

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ҳамда давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий жиҳатдан кўтаришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши халқаро миқёсда ҳамкорликда курашнинг зарурати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилиб, унга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси томонидан

2003 йил 15 ноябрда 22-15-сон қарор билан Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисидаги модел қонун қабул қилинган. Қонун МДХ давлатлари парламентлари учун коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун намунавий нормаларни ўз ичига олган тавсиявий характердаги қоидаларни қамраб олган. Мазкур қонун 35 та моддадан иборат бўлиб коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган бир қатор илғор ва мақбул нормаларни ҳам қамраб олган.

Коррупция жиноятчилигининг келиб чиқиш сабаблари

Коррупциянинг халқаро муносабатларга таъсирини ўрганган тадқиқотчилар “саноати ривожланган “биринчи дунё” мамлакатлари коррупция ёрдамида ўзларига маъқул келмаган ҳукуматларни ағдариб ташлаши, ўзларига хайрихоҳ режим ўрнатиши, амалдаги ҳокимиятга

оппозицияни моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади” деган хулосани билдиришган.

МДХ мамлакатларида коррупция ва унга қарши кураш фаолиятини ўрганган украиналик мутахассис Н.И.Мельник “МДХнинг кўп мамлакатларида коррупция давлат ва жамият бошқарувининг тизимли элементига айланган. Шу билан бирга, коррупция МДХ мамлакатларида ички ва ташқи сиёсатни амалга оширилишида сезиларли таъсир қилувчи омилга айланиб қолди. Бу мамлакатларнинг юқори даражада коррупциялашганлиги, айрим мансабдор шахсларнинг коррупцияга мойиллиги бошқа давлатлар томонидан уларнинг сиёсий раҳбариятига ички ва ташқи сиёсатга тааллуқли қарорлар қабул қилишида босим сифатида фойдаланилмоқда, яъни, бундай мамлакатларнинг сиёсий раҳбарияти бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг сиёсий қарамлигига тушиб қолади, натижада давлатлараро муносабатларда, кредитлар олишда, шартномалар тузиш ва шу кабиларда муаммолар келиб чиқмоқда”, деб ёзади.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда ҳам коррупциявий жиноятлар содир этилади. Халқаро миқёсда коррупция, унинг тарқалганлик даражаси ҳамда жамият ва давлатга келтирадиган зарарини баҳолаш борасида кейинги йилларда хорижий давлатларда кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳеч бир давлат коррупциядан, унинг зарарли оқибатларидан суғурта қилинмаган.

Айрим тадқиқотчилар коррупцияни ўзларича ғарб ва шарқ давлатларидаги коррупцияга (коррупциянинг ғарбча ва шарқча кўринишига) ажратишади. Бироқ, жаҳондаги мамлакатларни коррупциялашганлиги жиҳатдан шарқ ва ғарбга бўлиш ўзининг пухта асосларига эга эмас. Тарихий китоблар шундан далолат берадики, коррупция шарқ давлатларига ғарб колонизаторлари томонидан олиб келинади. Мисол учун, Индонезияга коррупцияни Голландияга қарашли бўлган Шарқий Ҳиндистон компанияси мансабдор шахслари орқали кириб келганлиги гапирилса, Филиппин испан колонизаторлари томонидан, Ҳиндистон Британия маъмурияти томонидан коррупция билан зарарланганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилади. Филиппин ва Бангладешда ҳарбий коррупциялашган режимга қарши исён кўтарилганлиги ҳодисаси коррупцияни Шарқ маданий анъаналари бир қисми, деган фикрларни инкор этади.

Хитой Жиноят кодексига кўра, коррупция дейилганда, ўзлаштириш, босиб олиш, алдаш йўли билан ёки жамоат мулкани давлат хизматчилари

томонидан бошқа ноқонуний усуллар билан хизмат мавқеидан фойдаланиб олиши тушунилади. Хитой қонунчилиги коррупция жиноятлари учун айбдорларга ўлим жазосидек энг оғир жазони назарда тутди.

Японияда мансабдор шахслар ва сиёсий раҳбарлар коррупцияси жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинади. 1997 йилда йирик компаниялар фаолияти билан боғлиқ айрим коррупциявий операциялар ошкор бўла бошлагандан сўнг, мамлакатдаги бошқарувчи Либерал-демократик партия молиявий фаолият амалга оширилиши тартибини бузувчиларга нисбатан чораларни кучайтириш, баъзи бир қилмишларни криминализация қилиш, яъни Жиноят қонунида жазо белгилаш таклифларини киритишди. Япония ҳукумати узоқ иккиланишлардан сўнг хорижий мансабдор шахслар ва сиёсатчиларни сотиб олиш билан фаолият юритувчи компанияларга қарши қаратилган халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлай бошлади.

Японияда 1993 йилда мафия раҳбарларидан бири Канэмарунинг ҳибсга олиниши билан шу нарса маълум бўлдики, у бош вазир бўлган Набору Такэсита, Тосики Кайфу, Киити Миядзавалар билан алоқада бўлган, ҳатто уларга ўз манфаатларини кўзлаб таъсир ўтказа олган. 1994 йилда Япония бош вазири Морихиро Хосокава молиявий қонунбузарликларда айбланиб истеъфога чиқарилган эди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

Ўтган асрнинг 90-йилларида япон тадқиқотчилари коррупциявий жиноятчиликни камайтиришда: ҳокимият тузилмалари фаолияти тўғрисида маълумотларни ошкоралаштириш, мансабдор шахсларни назорат қилиш учун марказий ва маҳаллий миқёсда мустақил омбудсман институтини жорий этиш, шу турдаги жиноятларга қаттиқ жазо тайинлаш (депутатликка сайланишдан маҳрум қилиш, умрбод юқори лавозимга кўтарилишдан маҳрум қилиш, сайлов гуруҳидаги шунга алоқадор кишиларни жазолаш), сайлов кампанияларини молиялашни тўла давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишни таклиф этган эдилар. Японияда коррупцияга қарши курашиш билан бирга, нотўғри(тухматдан) пора олиш ҳақида хабар бериш ҳам, пора олувчиларга нисбатан белгиланган жазога – уч йил муддатга қаторга жазоси ёки жарима жазосига тортилиши мумкин. Жиноят қонунчилигида амалга оширилган ислохотлар орқали бир қатор мансабдорлик жиноятларига

бериладиган жазолар оғирлаштирилди. Масалан, давлат ва жамоат арбобларининг мансабдорлик ваколатлари билан ҳокимиятни суиистеъмол қилишига 2 йилгача каторга ёки турма қamoғи жазоси белгиланди. Илгари бундай жиноят учун 6 ойгача шундай жазога тортиларди.

Дания, Финляндия, Швеция, Янги Зеландия, Канада, Норвегия, Австралия, Люксембург, Швейцария, Ирландия, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва Австрия ҳам коррупциялашмаганлиги жиҳатдан юқори ўринларда турадиган давлатлар саналади. Бу мамлакатларда коррупция ҳукумат томонидан миллий хавфсизлик масаласи, ички ва ташқи хавфсизликка таҳдид солувчи омил сифатида баҳоланади.

Ғарбий Европа мамлакатлари жиноят ҳуқуқида пора предмети анча кенг – мулкӣ ёки бошқа наф тарзида тушунилади. Бир қатор ҳолларда пора предмети сифатида тақдим этилган моддий ёки бошқа нафнинг хусусиятлари жиноятни таснифлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

АҚШ ва Буюк Британия жиноят қонунига биноан, оммавий ташкилотларнинг хизматчилари – мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам пора олганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

АҚШ, Буюк Британия жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ, Италия, Франция ва ГФРда хизматчини пора эвазига оғдиришнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чоралар анча барқарордир. Францияда 1992 йилгача айбдорлар 1810 йилги ЖКнинг 177–183-моддалари билан жавобгарликка тортиб келинган; Италиянинг 1930 йилги Жиноят кодексига мансабдорлик жиноятларига доир жиддий ўзгартиришлар фақат 1990 йил киритилган. 1871 йили қабул қилинган Германия Жиноят кодексига порахўрликка оид меъёрлар деярли ўзгаришсиз қолган .

Буюк Британия статут ҳуқуқида порахўрлик учун жавобгарлик 1889, 1906, 1916 ва 1925 йилги қонунлар билан ўрнатилган, шунингдек суд прецедентлари билан тартибга солинган. Бу Англиянинг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари динамик хусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Муфассал, баъзан ҳаддан ортиқ деталлаштирилган таърифлар, умумий санкциялар билан бир хил махсус нормалар тузиш ёки таснифланган (имтиёзли) таркибларни (масалан, чойчақа бериш ва олиш учун жавобгарлик моддасини) заруратсиз киритиш АҚШ коррупцияга қарши қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидир.

Айрим штатларда жиноят қонунчилигини кодификациялашда тавсиялари ҳисобга олинadиган АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексига кўрсатилганидек, “оммавий хизматчи” атамаси “давлатнинг ҳар қандай

мансабдор шахсини ёки хизматчисини, шу жумладан қонун чиқарувчи ва судьяни ҳамда давлат вазифасини амалга оширишда ёки бошқа тарзда иштирок этувчи ҳар қандай шахсни англатади”.

Германия ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган. “Башарти шахс: а) амалдор ёки судья ҳисобланадиган; б) бошқа оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларида бўлса; ёки в) оммавий бошқарув вазифаларини қайсидир ҳокимият органида ёхуд бошқа муассасада ё унинг топшириғига кўра амалга оширишга даъват этилган бўлса, у мансабдор шахс ҳисобланади”. Бундан ташқари, «бевосита оммавий хизмат қилишга даъват этилган», яъни «мансабдор шахснинг ўзи бўлмаса-да, ҳокимиятнинг қайсидир органида оммавий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган ёки бундай вазифаларни амалга оширувчи муассаса ёхуд бирлашмада банд бўлган ходим мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади” .

Францияда оммавий мансабдор шахсларнинг фаолияти турли норматив ҳужжатлар: ҳам қонунлар, ҳам қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. 1992 йилда қабул қилинган ва 1994 йилнинг сентябрида кучга кирган Франциянинг Жиноят кодекси оммавий мансабдор шахсни қуйидагича таърифлайди: 1) давлат ҳокимиятига эга бўлган шахслар (Франция Республикаси олий мансабдор шахслари); 2) давлат хизматида бўлган шахслар (тўртта тоифадаги амалдорлар); 3) сайланганлик мандатига эга бўлган шахслар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги Қонун билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди . Албатта, халқаро ҳужжатга қўшилиш, ратификация қилиш унда иштирокчи давлатларга муайян мажбуриятлар юклайди, муайян талаблар бажарилишини талаб қилади. Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш” деб номланган норма мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз жиноят қонунчилигида оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш учун жавобгарлик белгилаши лозимлиги қайд

этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида эса, фақат тақдим қилиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланган. Шундай бўлишига қарамасдан ваъда қилиш ва таклиф этиш мамлакатимиз жиноят қонунига биноан пора беришга суиқасд қилиш деб топилади ва қилмиш ЎЗР ЖК

25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 211-моддаси билан квалификация қилинади.

Аmmo, биз мазкур конвенцияни ратификация қилган кўплаб давлатларнинг жиноят қонунларини ўрганганимизда, уларда ваъда қилиш ва таклиф қилиш учун ҳам жинoий жавобгарлик тўғридан-тўғри қайд этилганлиги, мазкур ҳолат тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозимлиги белгиланганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, пора бериш-олишни ваъда қилиш Корея Республикаси ЖК 130-133-моддалари, Литва Республикаси ЖК 225-моддаси, Швейцария ЖК 322-моддаси, АҚШнинг Техас штати ЖК 36.02-моддаси, ГФР ЖК 333-334 параграфларида, порани таклиф қилиш эса, Швейцария ЖК 322-моддаси, ГФР ЖК 333-334 параграфларида тугалланган жиноят сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилган.

Миллий мамлакатлар мансабдор шахсларини сотиб олиш – коррупция бўйича жинoий жавобгарлик тўғрисидаги Европа Кенгаши Конвенциясига мувофиқ, ҳарқандай шахс томонидан бевосита ёки билвосита давлат органининг мансабдор шахси ўзига ёки бошқа шахсга, маълум бир ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширишдан тийилиши ҳисобига қандайдир ҳуқуққа зид тарзда ваъда бериш, таклиф қилиш ёки бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Глобал коррупцияга қарши сиёсат – антикоррупцион сиёсат бўлиб, халқаро ҳамжамият ёки ваколатли халқаро ташкилотлар (идоралар), томонидан ишлаб чиқиладиган, политика, вырабатываемая международным сообществом либо уполномоченными международными организациями (учреждениями), жамиятда, коррупция анча илдиз отган ҳаётнинг айрим жабҳаларида коррупцион фаолликни камайтиришга йўналтирилади.

Коррупцияга қарши инструментларни танлаш – 2001 йил июнда БМТ наркотик моддалари назорати ва коррупцияга қарши Глобал программа доирасида ҳуқуқбузарликлар бўйича огоҳлантириш Комитети томонидан қабул қилинган халқаро, миллий, регионал ва ҳудудий программаларни антикоррупцион хатти-ҳаракатларини асосий йўналишларини регламентлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий акт.

Коррупцияга қарши ислоҳот - А.Быстров фикрига кўра, коррупцияни вужудга келтирувчи ва ҳар қандай формалари тарқалиши ҳолатларини

Ўзгартиришга қаратилган давлат томонидан қонунчилик билан белгиланган комплекс чоралар.

Коррупцияга қарши пропаганда – регионал ҳуқуқий маънода:

Мамлакат (регион) ва жамиятда антикоррупцион ҳатти-ҳаракатни стимуллаштиришга (рағбатлаштиришга) қаратилган оммавий ахборот воситаларининг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти; умумжамиат назарий маънода: антикоррупцион кўз-қарашлар ва ҳатти-ҳаракатларни шакллантиришга қаратилган антикоррупцион ғоя ва қарашларни тарқатиш.

Назорат саволлари:

1. Коррупцияга қарши курашда давлат сиёсатининг асосий йўналишларига тўхталинг.
2. Айти вақтда мамлакатимизда бу соҳада коррупцияни олдини олиш борасида аниқ қандай амалий ислохотлар амалга оширилмоқда?
3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупция жиноятларини аниқлаш ва профилактика ишларини олиб боришдаги фаолияти устидан назоратни олиб боришга ҳуқуқий баҳо беринг.
4. Коррупцияга қарши курашда ижобий натижаларга эришган чет эл давлатларининг тажрибасини келтиринг.

7-мавзу: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш

Режа:

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.
2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш.
3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари.

Таянч иборалар: *жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, операцияларни тўхтатиб туриш, терроризмни молиялаштириш.*

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти (ЎзР ЖК 243-моддаси) нинг объекти республика иқтисодий фаолиятининг манфаатлари, жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

Жиноий фаолият натижасида айбдор қўлга киритган пул маблағлари ёхуд бошқа мулк кўриб чиқиладиган жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят қўйидаги ҳаракатларда содир этилиши мумкин: жиноий фаолият натижасида олинган мулкни

- 1) ўтказиш;
- 2) айлантириш;
- 3) алмаштириш;
- 4) мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш, башарти бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Аксарият ҳолларда, жиноят жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш мақсадларида содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштиришда иштирок этган шахс ҳисобланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадлар — жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка кўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш — мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган

жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш;

пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

операцияларни тўхтатиб туриш — миждознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари иждросини тўхтатиб туриш;

терроризмни молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижда чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат;

ички назорат;

миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар;

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус

ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи.

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир.

Ички назорат амалга ошириладиганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида миждознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган миждозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

миждоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай миждоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ равишда олинадиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан

автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржа аъзолари;

суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат тизимларини ташкил қилиши ва жорий этиши;

идентификациялаш тартиб-таомилларини амалга ошириши ва мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан мижоз ва унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни верификациялаши ҳамда мунтазам янгилаб бориши;

мулкдорлар ва мижозларни назорат қилувчи шахсларни идентификациялаши ҳамда уларнинг шахсини текшириш бўйича имкон қадар чоралар кўриши;

жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ўз таваккалчиликларини аниқлаш ҳамда баҳолаш чораларини кўриши, ушбу таваккалчиликларни ҳужжатлар билан қайд этиши ва уларни камайтириш юзасидан чоралар кўриши;

мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳисобварақ очишни, операцияни амалга оширишни, амалий муносабатларга киришишни рад этиши ва мавжуд амалий муносабатларни тугатиши, шунингдек шубҳали операция тўғрисидаги хабарни махсус ваколатли давлат органига юбориши;

шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни, шу жумладан уларни амалга оширишга бўлган уринишлар тўғрисидаги хабарларни улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда юбориши;

операция иштирокчиларини террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати билан солиштириши;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриши, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиши, шунингдек шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар юбориши шарт.

Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни

бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валютасида амалга ошириладиган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинадиган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, махсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказиладиган назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, махсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан

боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

Назорат саволлари:

1. Объектив томондан жиноят қайси ҳаракатларда содир этилиши мумкин?
2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда қайси асосий тушунчалар қўлланилади?
3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чоратадбирларга қайсилар киради?
4. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қайсилар?
5. Махсус ваколатли давлат органларининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширишдаги вазифаларини санаб ўтинг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари

Ишдан мақсад: тингловчиларда “Хабеас корпус акти”ни амалиётда қўллаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш

Масаланинг қўйилиши: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг судда кўрилиш жараёнини амалий шакллантириш.

Ишни бажариш учун намуна: жиноят ишига илова қилинган видеоёзув ва овозёзув материаллари

Казус

Гарипов Сомовни ўлдирганликда, шунингдек ноқонуний равишда совуқ қурол ясаганлик ва олиб юрганликда айбланди. 2 октябрь куни унга қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган. 28 октябрь куни Гарипов тергов ҳибсхонасидан вилоят психиатрик шифохонага, стационар суд психиатрик экспертизасига жўнатилган ва у ерда 9 декабрга қадар бўлган. У жиноят содир этган пайтда ақли расо деб топилди. 10 декабрда Гарипов тергов ҳибсхонасига қайтарилди. Тергов ҳибсхонасида унинг жиноят иши материаллари ўрганилганда, 2 ойлик қамоқда сақлаш муддати тугаганлиги аниқланган. Гариповни қамоқда сақлаш учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар тергов ҳибсхонасига келиб тушмаган.

Тергов ҳибсхонаси маъмурияти ушбу ҳолатда қандай йўл тутishi лозим? Ушбу ҳолатда шахсни қамоқда сақлашнинг процессуал асоси қандай?

Машғулот натижалари:

Машғулотнинг мақсади шундан иборатки, унда “Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти, “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси, “Хабеас корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати каби масалаларнинг умумий тавсифи ўрганилади.

Машғулот якунида “Миранда қоидаси”, “Хабеас корпус” институтига оид масалаларга тўхталиб ўтилади.

2-амалий машғулот: Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги

1. Англо-саксон тизимида оид давлатлар жиноят процессида суд назорати тушунчаси ва моҳияти.

2. Англия жиноят процессида суд назорати.

3. АҚШ жиноят процессида суд назорати.

Казус 1.

Қамоққа олишга санкция бериш инглиз процедурасини проекция қилинг.

Вазиятни ҳуқуқий таҳлил этинг. Инглиз ва миллий процедураларни қиёсланг.

Казус 2.

Ушлаб туришга суд томонидан санкция бериш америка процедурасини проекция қилинг.

Вазиятни ҳуқуқий таҳлил этинг. Америка ва миллий процедураларни қиёсланг.

Машғулот натижалари: Машғулотнинг мақсади шундан иборатки, унда хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг жазо тизими, хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида суд муҳокамасининг умумий тавсифи ўрганилади.

Машғулот якунида хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг жазо тизими, хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида суд муҳокамасига оид масалаларига тўхталиб ўтилади.

3-амалий машғулот: Биринчи ва юқори инстанцияларда иш юритиш тартиби

1-масала

Хасанов, Зуннунов ва Салимовлар босқинчилик жиноятини содир этганликда айбланиб, биринчи инстанция суди томонидан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Апелляция инстанцияси суди томонидан

ушбу ҳукм ўзгаришсиз қолдирилди. Салимов назорат тартибида протест келтириш тўғрисида илтимоснома киритиб, унда: у жазони ўтаётган вақтда хотини оламдан ўтганлигини, уч нафар вояга етмаган болалари, 2-гуруҳ ногирони бўлган отаси қарамоғида қолганлигини, уларнинг таъминоти ниҳоятда ёмонлашганлигини, унинг ўзи эса, жазони ўташ даврида тартибни бирор бор бузмаганлигини баён қилди. Назорат инстанцияси судида иштирок этган прокурор эса, судга шу иш юзасидан бошқа судланувчи Хасановнинг ҳаракатлари биринчи ва апелляция инстанция судларида етарлича баҳоланмаганлиги, тезкор маълумотларга кўра, Хасанов жиноий гуруҳ ташкилотчиси эканлиги, мазкур жиноят ишидан ташқари, у томонидан яна иккита жиноят содир этилганлиги, шунинг учун нафақат Хасановга, балки унинг жиноий шерикларига ҳам жазо енгил тайинланганлигини, жазо муддатини узайтириш ва ўташ тартибини оғирроғи билан алмаштириш лозимлигини асослаб берди.

Солимовнинг ҳимоячиси эса, назорат инстанцияси судининг агарда прокурорнинг талаби суд томонидан қондирилган тақдирда процессуал қонун бузилиши, яъни суд маҳкумга қуйи инстанция суди томонидан тайинланган жазони оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши мумкин эмаслигини баён қилди. Хасанов ва Зуннуновлар назорат протести келтириш хусусида илтимоснома келтирмаганликлари учун уларнинг ҳимоячилари процессда иштирок этмадилар.

Вазиятнинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилинг. Ушбу жиноят иши бўйича қандай суд қарорлари чиқарилиши мумкин эди (вариатив ёндашинг)? Ушбу жиноят иши бўйича тергов маълумотларининг далилий аҳамиятига баҳо беринг.

Юқорида кўрсатилган саволлар юзасидан ўз фикрингизни норматив манбалар ва илмий адабиётлар билан мустаҳкамлашингиз шарт.

Тингловчилар қуйидагиларни намойиш қилиши керак:

- жиноят процессига алоқадор амалий аҳамиятга эга бўлган ностандарт ва мунозарали масалаларни фарқлаш лаёқатини;
- мустақил тадқиқот олиб бориш, вужудга келган муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ечиш йўллари кўрсатиш лаёқатини;
- йиғилган аргументларни тажрихий ва конструктив тарзда ёзма шаклда баён қилиш маҳоратини;
- Жиноят-процессуал қонуни нормаларни тўғри қўллаш маҳорати;

- тегишли манбаларга (илмий адабиётлар шунингдек, амалий материаллар) илова (иқтибос) келиш.

2-масала

Жабрланувчи Р. туман прокурорига ариза билан мурожаат қилиб, 2012 йил август ойида маҳкум Н. унга нисбатан босқинчилик жиноятини содир этиб, суд томонидан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинганлигини, олган тан жароҳати сабаб борган сари соғлиғи ёмонлашиб бораётганлигини, маҳкум Н. қамоқ жойидан тез-тез хат ёзиб унга таҳдид қилаётганлигини, қамоқдан чиққан куни уни ўзини ёки яқин қариндошларидан бирини “нариги дунёга жўнатиш” билан кўрқитаётганлигини маълум қилади ва Н.нинг хатини илова қилади.

Прокурор жиноят ишини туман судидан чақиртириб, иш билан танишганида ҳақиқатдан ҳам 2012 йил 12 август куни кеч соат 23лар чамасида Н. Р.ни йўлини тўсиб, пул талаб қилган. Р. қаршилиқ кўрсатганида Н. чўнтагидан ўткир тиғли пичоғини олиб, икки марта унинг кўкрак қисмига санчган. ЎзР ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми билан айбланган Н.ни суд ЎзР ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, тўрт йил озодликдан маҳрум қилганлигини аниқлайди.

Вилоят прокурори ҳукми адолатсиз деб ҳисоблаб, назорат тартибида иш кўзғатган.

Воқеага муносабатингизни билдиринг.

Назорат тартибида иш юртишининг тартиби қандай?

4-амалий машғулот: Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар

1-масала

Суд томонидан М. ва И. ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Иш материалларидан кўринишича, М. ва И. жиноий шериклари билан биргаликда фуқаро Д.нинг йўлини тусиб, унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, унинг 20.000 сўм пулини тортиб олганлар.

Суд М. ва И.ларнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан нотўғри квалификация қилган.

ЖК 164-моддаси диспозициясига кўра, қилмишни босқинчилик жинояти деб баҳолаш учун айбдор жабрланувчига ҳужум қилиб, унинг ҳаёти ёки соғлиғи

учун хавфли бўлган зўрлик ишлатган ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитган бўлиши керак.

М., И. ва уларнинг жиноий шериклари гарчи жабрланувчининг йўлини тўсиб ундан пул талаб қилганликлари иш материаллари билан тасдиқланган бўлсада, бироқ унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатганликлари ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитганликларини бирон-бир объектив далил билан тасдиқланмаган.

Юқори инстанция суди ушбу ҳолатларни инобатга олиб, М. ва И.ларнинг ҳаракатларини ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» бандидан ЖК 166-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандларига қайта квалификация қилган.

Суднинг ҳаракатлари тўғрими? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-масала

Дастлабки тергов давомида О.ЖКнинг 97-моддасининг 1-банди билан айбланган. Терговчи ЖПК сининг 86-87 моддаси талабларига кўра тинтув ўтказиш зарур деб ҳисоблаб, тинтув ўтказди. Тинтув терговчи, иккита ҳолис, маҳалла кўмитасининг раиси иштирокида ўтказилади. О.нинг оиласидан ҳеч ким қатнашмайди.

Шу ҳолатда жиноят процессуал қонун талаблари бузилганми? Жиноий процессуал шаклнинг моҳияти нимада?

3-масала

2012 йил 15 апрел куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Корасув-2 даҳаси 24-уйнинг 98-хонадониди фуқаро 1988 йилда туғилган Т.Касимов, 1986 йилда туғилган Р.Лебедев ва 1987 йилда туғилган Х.Шертаевлар бирга спиртли ичимликлар ичишган. Шундан сўнг Т.Касимов билан Х.Шертаевлар ўртасида хазил қилиб кураш тушишган. Натижада Т.Касимов ва Х.Шертаевлар бир-бирларига тан жароҳати етказишган.

2012 йил 16 апрел куни Т.Касимов 24-уйнинг ойнасидан тушиб кетиш натижасида ушбу уйнинг олдида ўлик ҳолатда топилган. Воқеа жойини кўздан кечириш баённомасига ва 16.04.2012 йилдаги суд тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарорга ҳамда сўроқ баённомасига асосан 24-уйнинг 98-хонадон ойнасидан мархум Т.Касимов тушиб кетиш имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса келиш мумкин.

Материал туман прокуратурасига 2012 йил 19 апрель куни келиб тушган. Юқоридаги ҳолат юзасидан, 2012 йил 18 апрель кунидаги СТЭ

дастлабки хулосасига асосан, туман прокурори ёрдамчиси 30.04.2012 йил куни жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарган.

Ишда мавжуд ҳужжатларнинг далилий аҳамиятига тўғри баҳо берилганми? Жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор асослими?

5-амалий машғулот: Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш

- 1. Фан мазмунидан келиб чиқиб, казуслар тузинг.*
- 2. Суд қарорлари лойиҳаларини тузинг.*
- 3. Куйидаги казусни таҳлил қилинг.*

Казус

2002 йил 11 апрелда туғилган Т. безорилик майлида 2015 йил 10 апрель куни пешинда Ч.ни хандаққа итариб юборди. Боши шикаст еганидан Ч. 2015 йил 15 апрелда вафот этди. Терговчи қасддан одам ўлдириш 2015 йил 15 апрелда содир етилган деб, Т.нинг ҳаракатини ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса жиноят содир қилиш вақтида 13 ёшга тўлмаганлиги сабабли Т.ни жиноий жавобгарликка тортмасликни айтди.

Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?

7-амалий машғулот: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш

1-масала.

Рахимов «STV» МЧЖ раҳбари лавозимида 2013 йил 15 июлдан ишлаб келиб, 2016 йил 30 июлга қадар фаолияти давомида Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2001 йилдаги «Нақд пул эмиссиясини қисқартириш ва тижорат банкларининг жавобгарлигини мустаҳкамлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 264-сонли, 05.08.2002 йилдаги «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли, 17.11.2011 йилдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли қарорлари талабларини қўпол равишда бузиб, жамиятга қарашли савдо тармоқларида иккиламчи бухгалтерия ҳужжатларини юритиб, мазкур бухгалтерия ҳужжатларига кўра миқдорлардан тушган жами 528.476.200 сўм пул

маблағларини НКМ хотирасига киритмасдан, банк муассасасига инкассация қилмаган.

Шунингдек, Рахимов фаолияти давомида жамиятга қарашли «MARKET» номли озиқ-овқат дўкони ва умумий овқатланиш тармоғида сифат сертификатлари ва кирим ҳужжатлари бўлмаган 26 турдаги 375 дона 3.048.000 сўмлик озиқ-овқат ва алкоголь маҳсулотларини сотувга қўйиб, шу билан бирга 91.520.000 сўм нақд пул маблағларини жамият расмий ва норасмий ишчиларига «конверт» усулида иш ҳақи сифатида тўлаб, пул маблағларини НКМ хотирасига киритмасдан ва банкка инкассация қилмасдан жами 623.044.200 сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

ДСИ ходимлари томонидан «STV» МЧЖ хизмат кўрсатиш тармоғида қисқа муддатли ўтказилган текширишда, жамиятга қарашли савдо дўкони ишчиси Усманов 70000 сўмга, нонвойхона сотувчиси, Бокибоев 20000 сўмга, ошхона бармени Тилляев 185000 сўмга харидорга назорат касса машинасидан харид чеки берилмаганлиги, кассада савдодан тушган жами 13.451.000 сўм ва 225 АҚШ доллари миқдоридagi нақд пуллар борлиги, ушбу пуллар НКМ хотирасига киритилмаганлиги аниқланган. Аниқланишича, мазкур ҳолат бундан олдин ҳам бир неча маротаба кузатилганлиги, лекин солиқ хизмати ходимлари эътиборсизлиги туфайли ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлиги факти аниқланди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Ушбу вазиятдан келиб чиқиб такроран жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари ҳамда унинг давомли ва узоққа чўзилган жиноятлардан фарқини муҳокама этинг.

Содир этилган жиноятнинг объектини тушунтиринг.

2-масала.

Сагдуллаев қурилиш компанияси директори вазифасида, Юсупов компаниянинг лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи вазифасида Қодиржонов ва бошқалар билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, давлат дастурига киритилган турар жой биносини мукамал таъмирлаш юзасидан «RICH» МЧЖ билан тузилган пудрат шартномасига асосан

объектда мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширилишини таъминлаб, бажарилган ишлар юзасидан якуний тўлов учун тақдим этилган маълумотнома ҳисоб-фактурасига ҳақиқатда бажарилмаган ишлар ҳажмини, яъни бинода 8,64 метр² алюмин жалюзали панжара, том қисмида 114 метр юриш тахталари, 22,8 метр² том юриш тахталарини бўяш ишлари, 7 дона сочиқ қуритгич ўрнатиш ишлари, 9 дона электр соат ўрнатиш ишлари, сув ютувчи қудуқлар ўрнатиш ишлари, герметик пардевор бажариш, қозонхона бўйича 34 метр² 4 см.лик асфальт қопламаси билан қоплаш ишлари, 2 дона ЭЛК русумли электр иситгич ўрнатиш ишлари, 1 дона терморегулятор ўрнатиш ишлари, бинога дераза ромлар ўрнатиш ишлари бўйича шаҳарсозлик нормалари қоидалари (ШНҚ)ни бажарилган ишларга нисбатан нотўғри қўлланилиши натижасида **6,7 сўмлик**, имтиёзли нархда берилган цемент маҳсулотига ҚҚС қўлланиб, тўловга тақдим этилганлиги натижасида **5,1 млн. сўмлик** ҳамда бетон ва бетон қоришмаси қурилиш материалларининг белгиланган калькуляцияси бўйича цемент маҳсулотларини ШНҚ нормаларига нисбатан ортиқча сарфланганлиги натижасида **5,2 млн. сўмлик**, жами **60,4 млн. сўмлик** ишлар ҳажмини қўшиб ёзилишига йўл қўйишиб, сохта маълумот ва ёзувлар киритилганлигини била туриб, уни имзолашиб, тўлов учун қабул қилиб, ўзига ишониб топширилган бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилишган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Казусдан келиб чиқиб махсус субъектнинг белгиларини айтиб беринг. Уларнинг аҳамиятини муҳокама этинг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-казус

Дастлабки тергов органи томонидан С.Касимов бошқа шахслар билан уюшган жиноий гуруҳга бирлашиб, улар билан иштирокчиликда терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган усул ва воситалар орқали Ўзбекистонга контрабанда йўли билан қонунга хилоф равишда ўтказилган “опий” ва “героин” гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиб, уни сотиш мақсадида, ишончнома асосида бошқарувидаги “Lacetti” русумли, “MARS” МЧЖга тегишли автомашинанинг юкхонасида қонунга хилоф равишда сақлаган ва ташиб келганликда айбланган.

Жумладан, 2016 йил 17 март куни соат 21:00ларда С.Касимов “героин” гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида “Lacetti” русумли, қора рангли автомашинани бошқариб, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Азимов 3-тор кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб, тренажёр зали биносининг ёнида таниши Валижонова Назира Алижон қизини учратиб, 2-3 дақиқа суҳбатлашиб, С.Азимов бош кўчасидан йўл-патруль хизмати автомашинаси кириб келганини кўриб, қўлга тушиб, жавобгарликка тортилиши мумкинлигидан хавфсираб, уяли алоқа телефонини олиб, Н.Валижоновага ўзини гўёки телефонда гаплашаётган қилиб кўрсатиб, унинг ёнидан орқа тарафига ўтиб, Н.Валижонованинг ўнг қўли тирсагига осилган кўк рангли “Hermes” русумли аёллар қўл сумкасининг ичига 4,76 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини билдирмасдан ташлаб қўйган. Йўл-патруль хизмати автомашинаси уларнинг олдидан ўтиб кетганидан сўнг С.Касимов Н.Валижонова билан хайрлашиб, ўзининг автомашинасида кетиб қолган. Н.Валижонова сумкасида С.Касимов томонидан ташлаб қўйилган “героин” гиёҳвандлик воситаси борлигини билмаган ҳолда олиб юрган.

Орадан олти кун ўтгандан кейин, яъни 2016 йил 23 март куни соат 18:30ларда Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ ЙПХБ ходимлари томонидан Яккасарой тумани, Бобур кўчасида фуқаро А.Адхамов бошқарувидаги “Nexia DONC” русумли автомашина тўхтатилиб, орқа ўриндикда йўловчи сифатида ўтирган ва хатти-ҳаракатлари билан шубҳали кўринган Н.Валижонованинг “Hermes” русумли аёллар қўл сумкаси кўздан кечирилганда сумка ичидан 6 дона шаффоф полиэтилен пакет бўлақларига жойлаштирилган 7,76 грамм “героин” гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Касимов ва Валижоноваларнинг ҳаракатларини жиноят деб баҳолаш масаласини муҳокама этинг.

Мазкур вазиятдан келиб чишиб айб шаклларини тушунтиринг.

2-казус

Алимов Илхомжон Рустам ўғли 2016 йил 17 апрель куни бошқарувида бўлган давлат рақами 01 J 182 FA бўлган, ВАЗ-2107 русумли автомашинани ўрнатилган тартибда ЙХХБдан мавсумий ва мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга келиб, ўрнатилган тартибда автомашинани техник кўриқдан ўтказмасдан номаълум шахс орқали 70.000 сўм пул эвазига автомашинанинг ААС№2204255-серия рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ички қисмига мавсумий ва мажбурий техник кўриқдан ўтганлиги ҳақидаги муҳр бостириб, қўлёзма ёзув ва имзоларни қўйдириб бериши эвазига 70.000 сўм пора берган.

Судланувчи И.Алимов суд мажлисида айбига қисман иқроп бўлиб, у 2016 йил 17 апрель куни отаси Р.Алимовга тегишли бўлган ВАЗ-2107 русумли давлат рақами 01 J 182 FA бўлган автомашинани ҳар йилги техник кўриқдан ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган ИИББ ЙХХБга борганлигини, у ерга бориб автомашинасини ЙХХБ биносига кирмоқчи бўлиб, эшик олдида турган ЙХХБ ходимига автомашинасини кўриқдан ўтказиб беришни сўраганлигини, автомашинасининг олд чап қанотида урилган жойи бўлганлигини, ЙХХБ ходими унга автомашинани урилган жойини тўғирлатиб келмаса техник кўриқдан ўтказа олмаслигини айтганлигини, у автомашинасини ЙХХБ биноси ховлисига олиб кирмасдан чиқиб кетаётганида, унга нотаниш бўлган шахс келиб автомашинангиз кўриқдан ўтмадими деб сўраганлигини, у нотаниш шахсга автомашинаси техник кўриқдан ўтмаганлигини айтганлигини, нотаниш шахс унга автомашинани техник кўриқдан ўтказиб бериши мумкинлигини, хизмат ҳақи 70000 сўм бўлишини айтганлигини, у нотаниш шахсдан қандай қилиб автомашинани техник кўриқдан ўтказиб бериши мумкинлигини сўраганлигини, унга нотаниш шахс ЙХХБда таниши борлигини, 70000 сўм пул билан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини берса ЙХХБ биносига кириб техник кўриқдан

Ўтказилганлиги ҳақидаги муҳрни бостириб чиқиши мумкинлигини айтганлигини, у нотаниш шахсга транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси билан 70000 сўм пулни берганлигини, нотаниш шахс 70000 сўм пул билан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини олиб ЙХХБ биносига кириб кетганлигини, лекин бинонинг қаерига кириб кетганлигини кўрмаганлигини, орадан 30 минут ўтиб нотаниш шахс келиб автомашинани техник кўриқдан ўтказилганлиги ҳақидаги муҳр босилган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини унга берганлигини, у нотаниш шахсдан автомашинани техник кўриқдан ўтказилганлиги ҳақидаги муҳр ҳақиқийми деб сўраганлигини, нотаниш шахс унга муҳр ҳақиқий деб айтганлигини, у транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини олиб уйига кетганлигини, у автомашинани 2017 йил 8 февраль кунига қадар бошқариб келганлигини, муҳрнинг қалбаки эканлигини билмаганлигини баён қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Бир қанча жиноятлар тушунчасини ёритинг ҳамда вазиятдан келиб чиқиб мазкур ҳолатда бир қанча жиноят содир этишининг қайси тури мавжудлигини муҳокама этинг.

3-казус

Элёров Республика ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан 2012 йил 6 июнь куни ОИВ касаллигини бошқа шахсга юқтирмаслиги ҳақида огоҳлантирилганлигига қарамасдан, ўзида ОИВ касаллиги борлигини билган ҳолда, ўзининг ғараз мақсадларини амалга ошириш йўлида 2013 йил 13 октябрь куни Нодирова билан шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб, ушбу ОИВ касаллигини Нодировага юқтирган.

Элёров 2012 йил 6 июнь кунидан Республика ОИТСга қарши кураш марказида ОИВ касаллиги билан рўйхатда турган ҳамда ўзининг касаллигини билганидан сўнг мунтазам равишда даволаниб келган. Нодирова билан 2013 йил 13 октябрь куни шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, уларнинг тўйи бўлган. 2013 йил 4 декабр куни Нодирова «Наврўз» никоҳ уйига борган вақтида, никоҳ уйи ходимаси унинг тиббий маълумотномаси билан танишиб чиқиб, Нодировага Элёровнинг ОИВ инфекцияси билан касалланганлигини, ОИВ инфекцияси касаллигини оқибатларини тушунтирган. Шундан сўнг Нодирова никоҳ уйи ходимасига турмуш қуришга қарши эмаслигини айтган ҳамда тиббий маълумотноманинг орқа томонига «Мен Нодирова Элёровнинг

тиббий курик маълумотномаси билан танишдим, унда ОИВ инфекцияси аниқланганлигидан хабарим бор, никоҳдан ўтишимга қаршилигим йўқ, никоҳимизни 2013 йил 5 декабрь куни расмийлаштириб беришингизни сўрайман» деб ёзиб берган. 2013 йил 5 декабрь куни Нодирова билан «Наврўз» никоҳ уйига бориб, қонуний никоҳдан ўтишган.

Бироқ, Элёрв Нодирова билан шаръий никоҳдан ўтиб, қонуний никоҳдан ўтмаса-да, у билан жинсий алоқада бўлиб, унга ОИВ инфекциясини юқтирган. Лекин, жинсий алоқага киришишдан олдин Нодировани ўзининг ОИВ инфекцияси билан касаллангани ҳақида огоҳлантирган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Мазкур вазиятда айб шаклини таҳлил қилинг. Қасднинг эгри қасд шаклини бепарволикдан фарқини ёритиб беринг.

Элёрвнинг қилмишини жиноят деб баҳолаш учун асос мавжуд-мавжуд эмаслигини муҳокама қилинг.

4-казус

Салимов ва Дехкановлар 2015 йил 11 июнь куни соат 08:00ларда, Юқори Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган 2000 йилда туғилган Фазлиддиновнинг диагностика ва даволаш стандартларига тўлиқ мос бўлган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказмасдан туриб, унга «ўткир гастрит ўнг сон суяги гематоген остиомиелит, «сепсис» ташхисини қўйган ва Ўзбекистан Республикаси ССВнинг бўйруғи талабларига риоя қилмасдан, дислокация бўйича иш юритмай, сан-авияция чақирмасдан, бош шифокор ва бўлим мудири билан келишмаган ҳолда уларга беморни тезда Тошкент шаҳрига олиб бориш кераклигини ва сан-авияция хизматидан шифокор чақиришининг зарурияти йўқлигини тушунтириб, оддий малакасиз фельдшер орқали беморнинг оғир аҳволдалигига қарамасдан ноаниқ бўлган манзилни тез ёрдам машинаси ҳайдовчиси ва фельдшерга тушунтириб, Тошкент шаҳрига жўнатиб юборган. Натижада травматолог Салимов томонидан қўйилган нотўғри ташхис туфайли бемор Тошкент шаҳрининг турли хил шифохоналарига олиб борилган ва охир-оқибат Фазлиддинов Тошкент шаҳар 1-сонли юқумли касалликлар шифохонасида вафот этган.

Суд тиббий экспертизасининг 2015 йил 23 июль кунги 294-сонли хулосасига кўра, Фазлиддиновнинг ўлими ўткир ўпка-юрак қон томирлари етишмовчилигидан юз берганлиги, мурдасининг танасида жароҳатлар ва уларнинг излари топилмаганлиги, у ҳаётлигида икки томонлама ўпкалар зотилжам касаллиги билан хасталанганлиги ва бу касаллик ўлим юз бериши билан сабабий боғлиқлиги аниқланган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноят объектив томони зарурий ва факультатив белгиларини мазкур вазиятга боғлаб тушунтиринг.

Қилмиш юзасидан ўзингизнинг фикрингизни баён қилинг.

5-казус

Рахимов фуқаролик ишлари бўйича суднинг 2012 йил 17 октябрдаги қарорига асосан ундирувчи Ниязова фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, бир неча бор суд ижрочиси томонидан алимент пулларини тўлаши тўғрисида огоҳлантирилишига қарамасдан 2015 йил 1 сентябрдан 2016 йил 8 февралга қадар жами 1.145.369 сўм алимент пулларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Аниқланишича Рахимов Ниязова билан 2006 йил 1 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, бирга яшашган. 2007 йил 23 август куни қизи туғилган ва оилавий низолар сабабли 2011 йил март ойларидан алоҳида яшай бошлашган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 17 октябрдаги ижро варақасига асосан ундан Ниязова фойдасига ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, у алимент пулларини 2015 йил сентябрь ойига қадар тўлиқ тўлаганлигини, унинг қарзи 2015 йил 1 сентябрдан 2016 йил 8 февралга қадар жами 1.145.369 сўмни ташкил қилишини, у ушбу пулларини имкон қадар тўлашини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан унга нисбатан енгил жазо беришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жазо тайинлашда инобатга олинadиган енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳамда уларни қўллаш қондасини муҳокама этинг.

6-казус

Нуритдинов ва Ханазарбеков бошқа шахс билан жиноий тил бириктириб, 2017 йил 19 сентябрь куни соат 22:30 ларда Нуритдиновнинг бошқарувидаги «Спарк» русумли автомашинасининг олд ва орқа давлат рақами белгиларини ечишиб, 29-сонли умумий ўрта-таълим мактаби биноси олдидан ўтиб кетаётган Хусановага ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, унинг бўйнида бўлган нархи 2.000.000 сўмлик сариқ металлдан ишланган «колье» занжирини юлиб олиб, ўзлари келган автомашинада воқеа жойидан яширинишган.

Шунингдек, 2017 йил 13 октябрь куни соат 21:30 ларда Нуритдиновнинг бошқарувидаги «Спарк» русумли автомашинасининг олд ва орқа давлат рақами белгиларини ечишиб, йўлдан ўтиб кетаётган Пазлитдиновага ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, унинг бўйнида бўлган нархи 4.000.000 сўмлик 40 грамм бўлган занжири ва оғирлиги 5 грамм бўлган 500.000 сўмлик сариқ металлдан ишланган кулонини юлиб олиб, ўзлари келган автомашинада воқеа жойидан яширинишган.

Худди шунингдек, 2017 йил 20 октябрь куни соат 21:30 ларда Нуритдиновнинг бошқарувидаги «Спарк» русумли автомашинасининг олд ва орқа давлат рақами белгиларини ечишиб, автомашиналар ювиш шохобчаси ёнидан ўтиб кетаётган Пўлатовага ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, унинг бўйнида бўлган нархи 8.330.000 сўмлик 49,35 грамм бўлган занжирини юлиб олиб, ўзлари келган автомашинада воқеа жойидан яширинишган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Вазиятдан келиб чиқиб бир қанча жиноятлар содир этиш тушунчасини ёритинг.

7-казус

Абдурахманова 2016 йил 1 август кунидан 2017 йил 2 март кунига қадар мактабгача таълим муассасасининг мудираси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига тайинланиб, мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан қуйидаги ходимларга тўлов қайдномасига имзо қўйдириб, Акрамованинг 2016 йил август ойидаги иш ҳақидан 132.595 сўмни, 2016 йил сентябрь ойидаги иш ҳақидан 130.490 сўмни, 2016 йил ноябрь ойидаги иш ҳақидан 239.032 сўмни, 2017 йил январь ойидаги иш ҳақидан 304.944 сўмни, Якубжанованинг 2016 йил август ойида иш ҳақидан 32.617 сўмни, 2016 йил октябрь ойидаги иш ҳақидан 22.630 сўмни, 2016 йил ноябрь ойидаги иш ҳақидан 150.857 сўмни, 2016 йил декабрь ойидаги иш ҳақидан 13.712 сўмни ва бошқалардан ҳам шу ҳолатни такрорлаб асоссиз равишда жами бўлиб 14 млн. сўм ушлаб қолиб, ушбу пулларни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Абдурахманова бошқа шахс билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ходжаевнинг пластик карточкасига 2016 йил ноябрь ойи иш ҳақи ҳисобидан 190.656 сўм ўтказиш ўрнига 1.089.334 минг сўм ёки ортиқча 898.678 сўм, шунингдек, 2016 йил ноябрь ойида уни номига иш ҳақи ҳисобидан 5.734 сўм ўтказиш ўрнига жами 1.720.624 сўм пластик карточкасига ўтказиб, жами 2.619.302 сўм пулларни унинг пластик карточкасига ўтказиб, муассаса ходимлари ойлик иш ҳақини 50 фоизи Ходжаевнинг пластик карточкасига ўтказиш ҳақида 2016 йил декабрь ойларда аризалар ёздириб олиб, сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, ушбу ходимларга мазкур пулларни бермасдан ушбу пулларни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Узоққа чўзилган ва давомли жиноят тушунчаларини казусга боғлаб тушунтириб беринг.

8-казус

Исмаилова «ONIKS» акциядорлик жамиятида омборхона мудирини лавозимида ишлаб келиб, 2015 йилдан 2017 йил апрель ойигача 19 минг 784 килограмм, умумий қиймати 42.046.400 сўмлик қоғоз ўрами ҳамда 185,433 грамм платинали лаборатория идишлари, яъни 1 дона чашка, 1 дона тигель, 1 дона қоқоқларини (умумий нархи 23.193.565,71 сўм) акциядорлик

жамиятининг омборхонасидан бир неча ҳолатда яширинча йўл билан олиб чиқиб, номаълум шахсларга нақд пулга сотиб, сотувдан тушган пулларни эса ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Натижада «ONIKS» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган жами 65.239.965,71 сўм миқдордаги товар моддий бойликларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Исмаилова 19.784 килограмм умумий қиймати 42.046.400 сўмлик ўрам қоғозлар камомади ҳамда 185,433 грамм платинали лаборатория идиши, яъни 1 дона чашка, 1 дона тигель, 1 дона қопқоқ камомади аниқланганлигини, мазкур камомад сифатида аниқланган 19.784 килограмм қоғоз ўрамларини жойига қўйишини, уларни натура шаклида қоплаш мажбуриятини олишини, платинадан ишлатилган маҳсулотларни (идишларни) 2017 йилда оилавий шароити оғирлиги туфайли, яъни қизи касал бўлганлигини, 2012 йилда 2 марта, 2013 йил 3 марта 1-ҳукумат клиникасида бурун ва қулоқ соҳаларидан операция қилинганлигини, Украинадан шифокор чақиртирилиб, қизини операция қилишганлигини, шу муносабат билан у уларни, яъни платина идишларни «Чорсу» бозоридаги кўчада юрадиган тиллафурушларга 3.500 АҚШ доллариға тахминан 2017 йил апрель-май ойларида сотганлигини, платина идишларни «ONIKS» акциядорлик жамиятидан кийими чўнтагига солиб, олиб чиққанлигини, идишлар кичик ўлчамда бўлганлиги сабабли қоровуллар уни пайқамаганлигини, унга эътирозлар бўлмаганлигини, ҳозирда етказилган зарарни қисман қоплаганлигини, қолган зарарни ҳам қоплаб беришини, оилавий шароити оғирлигини баён, қилиб унга енгиллик беришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллаш масаласини муҳокама қилинг.

Исмаилованинг ҳаракатларида жиноятлар мажмуи ёки такроран жиноят содир этиш мавжуд эканлиги (ёки мавжуд эмаслигини) муҳокама этинг.

9-казус

Ахмедов фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида 2016 йил декабрь ойининг охиридан 2017 йил январь ойигача

бўлган вақт оралиғида Мирбобоевнинг хонадонида Равшановнинг ишончига кириб, унга прокуратура ҳузуридаги департамент туман бўлимида ишлаган қариндоши Абдунабиевнинг ноқонуний қилган хатти-ҳаракатлари юзасидан вилоят прокуратурасида қўзғатилган жиноят ишини танишлари орқали ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, Равшановни пора беришга қизиқтириб, ундан жами 40.000 АҚШ долларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Ахмедов Рузибаев, Байматов, Муминовлар ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида бир гуруҳ бўлишиб, Бахтиёровнинг ишончига кириб, унинг номидаги икки хонадан иборат бўлган хонадонини 33.000 АҚШ долларига соттириб, гўёки икки ой муддат ичида уч хонали уй олиб беришни ваъда қилган ҳолда 33.000 АҚШ долларини қўлга киритишиб, кейинчалик берган ваъдасини бажаришмасдан пулларини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноятда иштирокчилик шакллари ва турларини казусдан келиб чиқиб тушунтиринг.

10-казус

Ахмедова муқаддам Жиноят кодексининг 168, 211, 212-моддалари билан судланган бўлишига қарамасдан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2017 йил июнь ойидан 2017 йил декабрь ойининг охиригача бўлган вақт оралиғида қўшниси Рахмонованинг уйига келиб, унга «чет давлатда яхши тадбиркорлик ишини бошладим, ушбу тадбиркорлик ишидан яхши фойда қолади, ушбу тадбиркорлик ишларим учун пул керак, сиз ҳам ушбу тадбиркорлик ишимга қўшилинг, фойдаси жуда яхши бўлади, ҳамма ишларни ва хат-ҳужжатларни ўзим қиламан, тадбиркорликдан тушган фойдани тенг бўлишамиз, сизга яхшигина фойда қилиб бераман» деб алдаб, ишончига кириб, ундан бўлиб-бўлиб жами 140.000 АҚШ доллари пулларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан пулларни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Ахмедова ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2017 йил 20 ноябрь куни Эрматованинг уйига келиб, унга «танишларим орқали бир ой муддат ичида чет давлатдан турли

хилдаги мебель жиҳозлари олиб келиб бераман» деб алдаб, унинг ишончига кириб, ундан жами 3.000 АҚШ доллари пулларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Ахмедова ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2017 йил август ойининг охирларида Тургунбаеванинг уйига келиб, унинг Туркия давлатидан олиб келган кийим-кечакларни 2 ой муддат ичида сотиб беришини ваъда қилиб, ундан жами 6.070 АҚШ долларлик кийим-кечакларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Рецидив жиноят тушунчасини казус мисолида тушунтиринг.

Ахмедованинг ҳаракатларида такроран жиноят содир этиш аломатлари хусусида фикр юритинг.

11-казус

Судланувчи С. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиб, Мирзо Улуғбек туман ИИБ Жиноят қидирув бўлими тезкор вакиллари Ш. ва Б. лар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2015 йил 25 январь куни фуқаро Н.нинг жияни Р.нинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Бек» кафесида содир этган безорилик ҳаракати, яъни Г. га мушти билан тан жароҳати етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши билан қўрқитиб, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларни мансаб сохтакорлигига йўл қўйган ҳолда, жиноят хисобланмайдиган, балки маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган «майда безорилик» ҳолатига ўзгартириб, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи фуқаро Г. ва Р. ларнинг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган ариза ва тушунтириш хатларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда нобуд қилишиб, қасддан яшириб, тамагирлик йўли билан Н. дан пора тариқасида талаб қилинган 700 АҚШ долларидан 200 АҚШ долларини олгандан сўнг, Ш. ва Б.лар Н.га мазкур ишни охиригача етказиш учун яна 500 АҚШ доллари бериш лозимлигини маълум қилиб, ундан қўшимча равишда 500 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, ундан ижобий жавоб олишгач, бу ҳақда Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бўлими милиция таянч пункти профилактика инспектори С.га маълум қилганлар, С. 2012 йил 25 январь куни Мирзо

Улуғбек тумани ИИБнинг Ф-2 китобидан 375-рақам билан қайд этилган фуқаро Г. га фуқаро Р. томонидан безорилик оқибатида тан жароҳатлари етказилганлиги ҳолати юзасидан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳужжатларни, маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳужжатларга қайта тайёрлаб, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи фуқаро Г. ва Р. лардан қайтадан тушунтиришларини олиб, сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан расмий иш ҳужжатларини қалбакилаштирган.

Шундан сўнг, Н. нинг аризасига асосан Тошкент шаҳар ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари томонидан 2012 йил 26 январь куни холислар иштирокида ўтказилган тезкор тадбир давомида, соат 18.20 ларда Мирзо Улуғбек тумани, «Олмачи» маҳалласида жойлашган 40-сонли МТПда Мирзо-Улуғбек тумани ИИБ МТП профилактика инспектори С. фуқаро Н.дан унинг жияни Р.га нисбатан тўпланган ҳужжатларни жиноий жавобгарликка тортмасдан маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ҳужжатларга ўзгартириб, ишини енгиллаштириб бериш эвазига талаб қилинган пуллардан бир қисмини, яъни 300 АҚШ долларини олган вақтида Тошкент шаҳар ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимларидан иборат тезкор тадбир иштирокчилари томонидан С.ни воқеа жойида ашёвий далиллар билан қўлга олиш жараёнида, у хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакиллариининг қонуний фаолиятларига фаол қаршилик кўрсатиб, ёнида мавжуд бўлган ўзига бириктирилган хизмат куролини чиқариб, уни ўқлаган ҳолда тезкор ходимларга йўналтириб, уларнинг ўз вазифаларини бажаришига фаол қаршилик кўрсатган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноят объекти тушунчаси, турлари ва аҳамиятини муҳокама этинг.

Содир этилган ҳолатларни ўрганинг ва шунга асосан жиноят объектларини аниқ кўрсатиб беринг.

Жиноят объектив томони тушунчаси ва аҳамиятини муҳокама этинг.

Юқорида кўрсатилган жиноят объектив томонини аниқланг.

12-казус

Хакимов «TEZKOR QURILISH» МЧЖнинг таъсисчиси ва буйруқ асосида раҳбар лавозимида ишлаб келиб, дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, 2015 йил 11 сентябрдан 2016 йил 1 февралга қадар бўлган фолияти давомида жамиятга харид қилиниб, 2016 йил 1 февраль ҳолатига бухгалтерия ҳисоботларида қолдиқда кўрсатилган 59.268.910.592 сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларини белгиланган тартибда банкка топширмасдан, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Бундан ташқари, Хакимов бошқа шахс билан ўзаро жиноий тил бириктириб, нефть маҳсулотларини сотиш учун махсус рухсатнома олмасдан жамият томонидан харид қилинган жами 705.605.497 сўмлик нефть маҳсулотларини нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларини банкка қирим қилмасдан, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Бу билан Хакимов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрь кунги «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиби қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПП-186-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрь кунги «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги 242-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 май кунги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-П-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрель кунги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айлангани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-57-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 август кунги «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликларини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1504-сонли Фармони талабларига риоя қилинмаган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Мазкур казусдан келиб чиқиб диспозиция ва санкция турларини муҳокама қилинг.

13-казус

Исаков 2017 йил 10 май куни ўзига тегишли бўлган автомашинасининг техник кўриқдан ўтказмай дастлабки терговда шахси аниқланмаган шахс орқали мансабдор шахсларга пора беришга қизиқтириб, далолатчилик қилиб, 35.000 сўм пул бериб, ААС 4444444-серияли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини мавсумий ва мажбурий техник кўриқдан ўтказилган штампни қўйдирган.

Судланувчи Исаков айбига қисман иқроп бўлиб, 1986 йил ишлаб чиқарилган ўзига тегишли бўлган ВАЗ 21063 русумли автоуловини 2014 йилда бозордан сотиб олиб ўз номига расмийлаштириб олганлигини, унга автоуловни расмийлаштириб олаётган вақтида АСС 4441944-серияли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси беришганлигини ва шу гувоҳнома билан автоуловни бошқариб келганлигини, 2015 йил 10 май куни транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган ИИББ ЙҲХБ 1-ДС бўлими автоулови билан бирга борганлигини, навбат кўп бўлганлиги, автомашинасида ёнғин ўчирувчи мослама ва дори қутиси бўлмаганлигини, камчиликлари бўлган машиналарни қайтиб чиққанлигини кўрганлигини, шу сабабли у ҳам техник кўриқдан ўта олмайман деб ўйлаганлигини, автотураргоҳда ўтирганида унинг олдида ёши тахтинан 40-45 ёшлардаги фуқаролик кийимида бўлган шахс келиб, нима бўлганлигини сўраганлигини, унга ҳолатни тушунтириб берганлигини, бу шахс техник ҳолатни соз қилдириб, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига штамп қўйдириб чиқиши мумкинлиги айтганлигини, бу хизматларига 35.000 сўм пул бериш кераклигини айтганлигини, у рози бўлиб 35.000 сўм пул бериб, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини берганлигини, орадан тахминан 15 дақиқа ўтганидан кейин шу шахс дивизиондан чиқиб, унга гувоҳномани қайтариб берганлигини, у гувоҳноманинг орқа тарафига қараган вақтида у ерда 2015 йил учун автоулови соз ҳолатда эканлиги кўрсатилган штамп қўйилган ва имзо чекилганлигини кўрганлигини, у шахсни ўша ерда ишловчи ходим деб ўйлаганлигини, сўнг ушбу гувоҳномадан фойдаланиб, автоуловни ҳайдаб

келганлигини, 2016 йил 10 январь куни ўзига тегишли бўлган ВАЗ 21063 русумли автоуловида Тошкент вилояти, Зангиота туманидан Тошкент шарҳига келаётганида Келес йўли патрул пост ходимлари уни автоуловини четга қўйиб ҳужжатларни текшириб олишларини сўрашганлигини, уларга транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини ва талонларини берганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, уни олдига ИИБ ходими келиб, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси орқа тарафига қўйилган соз штампи сохталлигини айтиб, уни ИИБ биносига олиб келганлигини, у ерга келганида автоуловини олиб қолиб, ўзидан ҳолат юзасидан тушинтириш хати олишганлигини, автоулов ҳужжатларини олиб қолишганлигини, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасидаги штамп қалбаки эканлигини билмаганлигини, билганида ушбу штамп ва имзони қўйдирмаган бўлишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини баён қилиб, унга енгиллик беришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Биргаликдаги бажарувчилик (оддий иштирокчилик) ва роллар тақсимооти билан иштирокчилик (мураккаб иштирокчилик) мазмунини муҳакама қилинг.

14-казус

Тожикистон Республикаси фуқароси Сайманов 2016 йил октябрь ойларида Афғонистон Ислом Республикасининг Қандаҳор вилоятида Шухрат исмли шахсдан 2000 АҚШ доллари эвазига қонунга хилоф равишда 1 кг «Марихуана» гиёҳвандлик моддасини сотиб олган ҳамда уни ўтказиш мақсадида Термиз шаҳрига олиб келган.

Шундан сўнг, Сайманов 2017 йил 13 ноябрь куни соат 12:00 ларда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган «MEGAPLANET» супермаркети олдида Россия Федерацияси фуқароси Каримовга қонунга хилоф равишда 245 грамм «Марихуана»ни ўтказган.

Бундан ташқари, Сайманов 2017 йил 14 ноябрь куни соат 11:00 ларда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳасида икки дона гугурт кутига жойлаштирилган 7,52 грамм «Марихуана» гиёҳвандлик моддасини 150.000 сўмга Ўзбекистон Республикаси фуқароси Кулиевга ўтказган.

Шунингдек, 2017 йил 20 ноябрь куни Сайманов вақтинча яшайдиган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳаси, 18-уй, 404-хонадонидан қонунга ҳилоф равишда сотиш учун сақлаб қўйган 11 дона гугурт қутига қадоқланган 43,07 грамм «Марихуана» гиёҳвандлик моддаси ИИБ ходимлари томонидан топилиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Каримов ва Бахтиёров 2017 йил 13 ноябрь куни соат 12:30 ларда Саймановдан олинган 245 грамм «Марихуана» гиёҳвандлик моддасини Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган «МАКРО» супермаркети ёнида Озарбайжон Республикаси фуқароси Меминджановга қонунга ҳилоф равишда ўтказишган.

2017 йил 14 ноябрь куни соат 11:00 ларда Каримов Бахтиёров билан биргаликда Саймановдан 150.000 сўмга сотиб олган 7,52 грамм икки дона гугурт қутига қадоқланган «Марихуана» гиёҳвандлик моддасини Қозоғистон Республикасининг Саригўоч туманига яқин чегара ҳудудда ўтказмоқчи бўлган вақтида Қозоғистон ИИБ ходимлари томонидан ушланишган ва Бахтиёровнинг куртқасининг ички чўнтагидан бир дона гугурт қутига қадоқланган 7,52 грамм «марихуана» гиёҳвандлик моддаси ҳужжатлаштириб олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноят кодексининг ҳудуд бўйича амал қилиш қоидаларини муҳокама этинг.

Ушбу жиноятлар қайси давлат ҳудудида содир бўлганлиги тўғрисида фикр билдинг.

15-казус

С.Тухтамишев туман профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиб, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакиллари билан олдиндан тил бириктириб, 25.01.2012 йил куни фуқаро Н.Ирисованинг жиянининг содир этган безорилик жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилиши билан кўрқитиб, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларни сохталаштириш орқали, жиноят ҳисобланмайдиган, балки маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган «майда безорилик» ҳолатига ўзгартириб, жабрланувчининг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган ариза ва тушунтириш хатларини қасддан

нобуд қилишиб Н.Ирисовадан 700 АҚШ доллари талаб қилиб, ундан 200 АҚШ долларини олгандан сўнг, профилактика инспектори С.Тухтамишев ИИБнинг Ф-2 китобида қайд этилган жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳужжатларни, маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳужжатларга ўзгартириб, жабрланувчидан қайтадан тушунтиришларини олиб, сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан расмий иш ҳужжатларини қалбакилаштирган.

Шундан сўнг, Н.Ирисованинг аризасига асосан ИИББ ШТБМИ ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари томонидан 26.01.2012 йил куни холислар иштирокида ўтказилган тезкор тадбир давомида профилактика инспектори С.Тухтамишев фуқаро Н.Ирисовадан 300 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноятнинг субъектив томони зарурий белгиси сифатида махсус субъектни тушунтиринг.

Қилмишни жиноят содир этаётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда тўхтатилиши масаласини муҳокама қилинг.

16-казус

Ш.Суяров 2015 йил апрель ойида таниши билан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикасида рўйхатда бўлмаган 1996 йилда ишлаб чиқарилган, кузов рақами KLAJF19V1TB130375, двигатель рақами A15MF328530 бўлган «ESPERO» русумли автотранспорт воситасини божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, автоуловни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан, автоуловдан республика ҳудудида фойдаланиш мақсадида, ушбу транспорт воситасига фуқаро И.Гафуровни номида бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган «М-412ИЭ» русумли автоулов ҳужжатлари билан давлат белгиси 60 R 659 DA рақамини «ESPERO» русумли автоуловга тақиб ва ҳужжатларни қалбакилаштириб, транспорт воситасини ҳужжатларини қалбаки эканлигини била туриб, ушбу транспорт воситасини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан фуқаро Қ.Вахобовга 8.000.000 сўмга сотиб, пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Суяров ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2015 йил 8 июль куни фуқаро М.Азизовага бозордан автоулов олиб бериш ваъда қилиб 5.000 АҚШ доллари (8.002.900 сўм)ни қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Суд-техник экспертизасининг хулосасига кўра, ААС№0452885 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ва ундаги имзо тасвирлари компьютернинг рангли пуркагичли принтерда тайёрланганлиги аниқланган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноятлар реал мажмуининг жиноятлар идеал мажмуидан тафовутини казус мисолида тушунтиринг.

17-казус

Руҳий ҳолати вақтинча бузилган И.Нурматов эшиклари қулфланмаган ҳолатда қолдирилган, Тико русумли автотранспорт воситасини эгаси йўқлигидан фойдаланиб, уни ҳайдаб кетди. Тезкор хабарга асосан И.Нурматов ҳайдаб кетаётган Тико русумли автомашинани ИИББ ЙПХ ходимлари томонидан ушланган.

И.Нурматов ўша пайтда ёнида отаси оғир аҳволда ётганлиги сабабли дорихонадан зарур дори воситаларини зудлик билан олиб бериш лозим бўлиб қолганлиги сабабли иложсизликдан шу ишга қўл урганлигини, отасига дорини етказиб бергандан сўнг автомашинани жойига қайтариб олиб келиб қўйиш ниятида бўлганлигини, шунингдек, автомашинани ўзлаштириш мақсади бўлмаганлигини билдирган.

Шундан сўнг, эртасига И.Нурматов руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларини бошқара олмасдан қўшнисига тегишли қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-21011» русумли автомашинанинг олд ва орқа давлат рақамларни яширин равишда эгаллаб олиб, воқеа жойидан яширинган. Эртасига таниши унга қўнғироқ қилиб, автоуловининг рақамлари йўқолганлигини айтиб, ундан ушбу рақамларини олган ёки олмаганлиги ҳақида сўраганда, у кўрмаганлигини ва олмаганлигини айтган. Шундан сўнг таниши ИИБга мазкур ҳолат юзасидан ариза билан мурожаат қилганлигини билгандан сўнг И.Нурматовнинг оила аъзолари дарҳол ИИБга борган ва ўзи билан автотранспорт воситасидан ечиб олган давлат рақамларини олиб

бориб, бўлган воқеа юзасидан тушунтириш хати ёзиб берган ҳамда танишидан кечирим сўраган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Ақли расолик тушунчасини ёритиб беринг.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва уни қўллаш доирасини тушунтиринг.

18-казус

Мардонов 2014 йил 31 март кунидан бошлаб Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш бўлими 64/29-сонли жазони ижро этиш муассасаси махсус контингентлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш бўлимининг туркум бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколатларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида суиистеъмол қилиб, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Марҳамат туман судининг 2016 йил 18 июль кунги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,169-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,223-моддаси 2-қисми “б” банди билан 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Навоий шаҳридаги 64/29-сонли жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган маҳкум Рузибаевни ўзи раҳбарлик қилаётган туркум активи этиб тайинлаш, муассасада енгил меҳнатга жалб қилиш ва ўз қарамоғига олиш эвазига ундан 1.000 АҚШ долларини талаб қилиб, талаб қилинган пулни бермаган тақдирда уни оғир меҳнатга жалб қилиш ва муассасанинг интизомий бўлинмасига жўнатишини айтиб, Рузибаев ва унинг яқин қариндошларини пора беришга мажбур этадиган шароитга солиб қўйиб, 2017 йил 23 февраль куни соат 14:30 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган Тошкент тиббиёт академиясининг 2-сонли клиникаси ҳудудида Рузибаевнинг отасидан 1.000 АҚШ долларини тамагирлик йўли билан пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолатларни қўллаш масаласини таҳлил қилинг.

19-казус

Рахматов 2016 йилнинг баҳор ойларида, Ўтқуров томонидан ноқонуний равишда ташкил этилган «Жиходчилар» диний экстремистик ташкилотига жалб қилиниб, Ўтқуров яшаб келган Чигатой Муҳокама 4-тор кўчаси, 8-уйда ҳамда жамоатнинг бошқа аъзоларини яшаш манзилларида ташкил қилинган йиғилишларида фаол қатнашиб, диний экстремистик оқим етакчиларининг ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларидан кенг фойдаланган ҳолда, жамоат аъзоси Авазхонов ва Ўтқуровдан «ҳижрат»га чиқишлик, «жиход» қилишлик, «шаҳид кетиш»лик ва «жаннати бўлиш»лик каби мазмундаги экстремистик, фундаменталистик мавзуларда сабоқлар олиб, ўзининг диний билимларни бойитиб келиб, шу билан бир вақтда «Туркистон Ислом Ҳаракати» террорчилик ташкилотининг аъзоси Анварджановдан қонунга хилоф равишда ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган диний сабоқ олиб, ўзи иштирок этиб келган Ўтқуров раҳнамолигидаги хуфёна тузилган экстремистик ташкилотдаги фаолиятини сир сақлаб, жамоат аъзолари билан яширинча мулоқотда бўлиб, жамоатнинг фаол аъзоси сифатида, 2013 йилнинг ёз ойларига қадар Ўтқуров ва бошқаларнинг экстремистик ташкилотдаги фаолиятларини давом эттириб келишларига замин яратиб келган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноятнинг формал, моддий ва кесик таркибли жиноят турларини муҳокама этинг.

20-казус

Турсункулов 2013 йил 1 август куни соат 02:00 да бошқа шахс билан ўзганинг мулкани босқинчилик йўли билан, очикдан очик талон-торож қилиш мақсадида жиноий тил бириктиришиб, юзларига ниқоб кийиб, қурол сифатида темир бўлаги билан қуролланишиб, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчасида жойлашган «Исломобод» жоме масжиди ойнаси орқали ғайриқонуний равишда киришиб, масжид ҳовлисидаги қоровулхонада бўлган қоровул Халиков Уткир Тухтаевични темир бўлаги билан кўкрак ва танасининг бошқа қисмларига қасддан бир неча маротаба уриб, ўта шафқатсизлик билан оғир тан жароҳати етказишиб, қўл ва оёғини латта матоси билан боғлашиб, кўйлаги чўнтагидан 25.000 сўм ва масжид эҳсон

кутисидан 200.000 сўм пулларни очикдан очик талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинганлар.

У.Халиков олган оғир тан жароҳати натижасида 2013 йил 15 август куни вафот этган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 26 август кунги 379-сонли хулосасига кўра У.Халиковнинг ўлимига оғирлик даражасига кўра, етказилган вақтида ҳаёт учун хавфли бўлган «оғир» тан жароҳати тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Абдурахмонов Орзикул Турсункулович айбига тўлиқ иқрорлик билириб, қуйидагиларни билдирди, яъни масжид қоровули Халиков Уткирни у ўлдирганлигини, ўлдириш нияти бўлмаганлигини, шу ердан пул олганлигини, масжиддан унинг қўлларининг изи чиққанлигини, шериги йўқлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчилардан кечирим сўрашини, бошқа гапи йўқлигини баён қилиб, унга енгиллик беришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноятларнинг идеал жами ва жиноятларнинг реал жами фарқларини таҳлил қилинг.

Мураккаб айбли жиноят тушунчасини ёритингД. қилган ҳаракати учун жинойий жавобгарликка тортилиши мукинлиги ёки мумкин эмаслигини муҳокама этинг.

21-казус

Турсунов Жамшид Нурпуллоевич Қозоғистон Республикаси Сарифаш туманида яшовчи Мирзахон, Руслан ва бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўла туриб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ишончига кириб, уларни алдаб, Қозоғистон Республикасига ўтказиб, у ерда уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ноқонуний равишда ёнланган фуқароларни Қозоғистон Республикаси ҳудудидаги қурилиш ишларида ишлатиб, ночор ахволга солиб, ҳақ бермасдан ишлатиш орқали моддий бойлик орттириш билан шуғулланиб келган.

2014 йил 28 июнь куни Ж.Турсунов Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Генерал Ғофуров кўчаси, 38-уйда ўзининг қўл остида ишлаётган фуқаролар Абдуллаев Фаррух Муҳаммади ўғли, Мансуров Бурхониддин Абдушукур ўғли ва Фаёзов Раҳматилло Абдуваҳоб ўғлиларнинг ишончига кириб, уларга Тошкент шаҳар Қорасарой кўчасида қурилиш ишларида юқори маошли иш таклиф қилиш йўли билан ишончига кириб, уларни алдов йўли билан Тошкент вилояти ҳудудида жойлашан «Қоплонбек» чегара масканига олиб бориб, Ўзбекистан Республикаси чегараси ташқарисига ўтказган. Ўзбекистан ва Қозоғистон Республикалари орасидаги ҳудудда Ф.Абдуллаев, Б.Мансуров ва Р.Фаёзовлар алдов йўли билан Ж.Турсуновга ишонган ҳолда Ўзбекистан Республикаси чегарасидан чиқиб кетишганлигини билганликлари учун ортга қайтмоқчи бўлганларида Ж.Турсунов уларни кўрқитиб, ноилоҳ аҳволга солиб қўйиб, гуруҳ аъзоси Руслан исмли шахс орқали Мирзахонга топширган. Бунинг эвазига Мирзахон Ж.Турсуновга 300.000 Қозоғистон Республикаси тенгеси миқдоридаги пулларни Руслан орқали берган.

Натижада Мирзахон Ф.Абдуллаев, Б.Мансуров ва Р.Фаёзовларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, уларни ночор аҳволга солган ҳолда уриб-дўшпослаб, Қозоғистон Республикаси Саригаш туманидаги қурилиш ишларида 2014 йил 3 июль кунига қадар меҳнатларига ҳақ тўламаган ҳолда ишлатиб келган ва уларни Мансуров Имомхўжа Абдушукурович 1.500 АҚШ доллари эвазига қайтариб Ўзбекистан Республикасига олиб келган.

Бундан ташқари, Ж.Турсунов фирибгарлик йўли билан моддий бойлик ортириш мақсадида 2014 йил июнь ойи охирида Олмазор тумани, Генерал Ғофуров кўчаси, 38-уйда бўла туриб, хонадон эгаси Толаганов Махамаджон Уткуровичга ўзини қурилиш усталари «прораби» деб таништириб, унинг ишончига кириб, унга 2.350.000 сўм эвазига 4 хонали уйнинг пойдеворини қўйиб, ғиштини териб беришни ваъда қилиб, берган ваъдасини бажармай 1.300.000 сўм пул маблағи ва 100.000 сўм ҳисобидан «Нокиа-6300» русумли телефон апаратыни фирибгарлик йўл билан эгаллаб олиб, кейинчалик берган ваъдаларини бажармасдан пулларни ўзлаштириб яширинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш масаласини таҳлил қилинг.

22-казус

Ахадова Манзура Улугбековна бошқа шахс билан бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан тил бириктиришиб, 2014 йил 28 май куни соат 02:00 ларда 1999 йил 20 август кунги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтишаётган вақтларида чегара аскарлари томонидан ушланишган.

Суд мажлисида судланувчи Ахадова Манзура Улугбековна айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни, яъни онаси ишлаб пул топиш мақсадида Қозоғистон Республикасига кетганлигини, отаси 2006 йил отаси оғир касал бўлиб вафот этганлигини, укаси билан тоғасининг уйида яшаб келишини, оилавий шароитлари оғир бўлганлиги сабабли давлат божларини тўлай олмай фуқаролик паспорти ололмаганлигини, энди хужжат қилиб, хужжатларини паспорт олиш учун топширганлигини, 2014 йил 19 май куни тоғасига онасининг танишлари Қозоғистон Республикасидан телефон қилиб, онасини автоҳалокатга учрганлигини, жонлантириш бўлимида ётганлигини айтганлигини, кейин тоғаси билан янгаси Қозоғистон Республикасига онасининг олдига кетишганлигини, онасининг соғлигини ўйлаб хавотирланиб, хужжати бўлмаса-да Қозоғистон Республикасига бориш мақсадида Тошкентга келганлигини, кейин Тошкент шаҳридан айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига ўтмоқчи бўлганида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара аскарлари томонидан ушланганлигини, у билан бирга кейинчалик унга исми шарифи маълум бўлган Ибрагимов Ражаб ҳам бўлганлигини, Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтишга улгуришмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини тушунтиринг.

23-казус

2014 йил май ойини бошларида Дархонбоев Ислонбек Гоибжон ўғли, Шарипов Сардор Маъруфжон ўғли, Ярашов Собит Равшан ўғлилар вояга етмаган Набиуллаев Баҳром Қахрамон ўғлини ўта оғир жиноят содир этишга жалб қилиб, бошқа шахслар билан уюшган гуруҳ тузишиб, ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктириб,

тузилган режага асосан жиноятдаги ролларни бўлиб олиб, Олмазор тумани, Зарқайнар кўчаси, 2-проезд, 11-уйнинг томини тешиб кириш йўли билан, у ердан Шаисхаков Алишер Аскарловичга тегишли бўлган 20.000.000 сўм ва 400 АҚШ доллари (915.332 сўм)ни кўлга киритиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, 2014 йил 19 октябрь куни соат тахминан 2:30 ларда И.Дархонбоев, С.Шарипов ва С.Ярашовлар ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида тил бириктириб, уюшган гуруҳга бирлашиб, тузилган режага асосан жиноятдаги ролларни бўлиб олиб, Олмазор тумани, Ғофур-Ғулом кўчасида жойлашган “Султон” кафесига дераза ойнаси орқали кириб, у ердан 1.000.000 сўм пул, 1.000.000 сўмлик бир дона Iphone 5S телефон аппарати, ҳар бири 250.000 сўмдан жами 500.000 сўмлик икки дона “Samsung” телефон аппаратлари, ҳар бири 50.000 сўмдан жами 200.000 сўмлик тўрт дона “Нокиа” телефон аппаратлари, жами 50.000 сўмлик 50 дона «Султон» ёзувли ёндиргич (зажигалка)ларни ўғирлаб, Максудов Абдурашид Абдумаджидовичга жами 2.750.000 сўм моддий зарар етказиб воқеа жойидан яширинганлар.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, жиноят таркиби белгиларини аниқланг.

Юридик ва фактик хато тушунчаси ва турларини муҳокама қилинг.

24-казус

Самарқанд шаҳридан Ўзбекистон Республикаси фуқароси П. Астрахан шаҳрида вақтинча бўлган даврида маҳаллий яшовчи Ю.нинг номусига тегади. Астрахан шаҳар ИИБ бошлиғи Самарқанд шаҳар прокуратурасига П.ни қамоққа олиш ва жиноят содир қилган жойда жиноий жавобгарликка тортиш учун юборишини сўради. Самарқанд шаҳар прокурори Астрахан ИИБ бошлиғига текширувни охирига етказиш ва айбдорни ЎзР ЖКга асосан жиноий жавобгарликка тортиш учун барча тергов материалларини Самарқанд шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юборишни таклиф қилади.

Самарқанд шаҳар прокурорининг ҳаракати қонунийми?

25-казус

Бердиева, 2011 йил 26 декабрь кунидан бошлаб, 2015 йил 16 январь кунига қадар Шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази бош шифокори вазифасини вақтинча бажарувчи - бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, 2015 йил 14 январь куни ўз хизмат хонасида фуқаро Адиловаини Шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази 1–маслаҳат бўлими ҳамшираси лавозимида ишга жойлаштиришни ҳал қилиб бериш эвазига 400 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олаётган вақтида Ўзбекистон Республикаси СВОЖЖДҚЛК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими тезкор ходимлари томонидан жиноят устида ушланган.

2015 йил 23 январь кундаги судга оид кимёвий экспертизанинг 410/20-сонли хулосасига асосан, текшириш учун тақдим этилган 400 АҚШ доллари, Бердиевага тегишли бўлган иш дафтарида, Бердиеванинг ўнг ва чап қўллари бармоқларидан артиб олинган дока суртмаларида кукун излари мавжуд бўлиб, улар таққослаш учун тақдим этилган махсус кукун намунасига турдошлиги аниқланган.

Мазкур шахсларнинг харақатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва жиноятни квалификация қилинг.

Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегишли Олий суд Пленумининг қарорларидан фойдаланиб, айбдор шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

26-казус

Фуқаро М. ўзининг ўртоқлари Б. ва С.лар билан биргаликда қурилиш объектида ишлаш учун Россия Федерациясига кетди. Қурилиш объектининг қоровули И. уларнинг ўқ отар қуролларга қизиқиши борлигини сезиб қолиб, уларга “ўқ отар қуролларга қизиқсангизлар менинг бир танишим бор. У ҳарбий хизматда кучли мерган бўлган”, деб қизиқтиради ва уларни В. билан таништиради. В. аслида террористик оқим аъзоси бўлиб, М., Б. ва С.ларни ўқ отар қуролларини қўллашни ва улардан фойдаланишни ўргатади ҳамда уларни ўзи раҳбарлигидаги террористик оқимга хизмат қилишга кўндиради. В. ўқ отар қуролларни қўллаш ва улардан фойдаланишни ўрганган М., Б. ва С.ларни Ўзбекистондаги муҳим объектларни чуқур ўрганиб келиши учун Ўзбекистонга қайтариб юборади ва улар Ўзбекистонга келганларида ХМҚО ходимлари томонидан қўлга олинади.

Бўлиб ўтган воқеага ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни юридик таҳлил этинг (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томонларини аниқланг).

Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегишли Олий суд Пленумининг қарорларига асосланиб, қилмишини квалификация қилинг.

27-казус

Чет эл фуқаролари П. ва Рлар Ўзбекистонга келиб, ўзларига жиноий шерикларини тўплаб, бир неча масъул лавозимларда ишловчи ходимларни гаровга олишган. Ҳукумат раҳбарияти томонидан гаровга олинган ходимларни озод қилишни сўралганида, улар гаровга олинганларни озод қилиш эвазига кўп миқдорда пул, ўқ отар қуроллари ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш учун самолёт беришни талаб қиладилар, акс ҳолда гаровга олинган барча ходимлар ва биноларни портлатиб юборишларини билдирадилар.

Бўлиб ўтган воқеага ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни юридик таҳлил этинг (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томонларини аниқланг).

Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегишли Олий суд Пленумининг қарорларига асосланиб, қилмишини квалификация қилинг.

28-казус

Мирзо Улуғбек тумани жиноят судида Миробод туманида, Бектемир туманида ва Чилонзор туманида ўғирлик содир қилиб охир-оқибат Собир Раҳимов туманида жиноят содир қилинганлиги сабабли ўша ерда кўлга олинади. Лекин айбланувчи С. дастлабки жиноятини Мирзо-Улуғбек туманида содир қилинганлиги сабабли жиноят иши бўйича судловлилик Мирзо-Улуғбек туманида кўрилади деб топилган.

Процессуал хатоликни топинг?

VI. ГЛОССАРИЙ

Коррупция	Бу шахсий фойда олиш мақсадида маълум мансаб ишониб топширилган одам томонидан амалга ошириладиган виждонсизлик кўриниши	Corruption is a form of dishonest or unethical conduct by a person entrusted with a position of authority, often to acquire personal benefit.
Мансабдор шахслар	Хукумат ёки ташкилотда маълум мансабга эга ва юқори лавозимда иштирок этувчи шахс	An official is someone who holds an office in an organization or government and participates in the exercise of authority.
Мансаб сохтакорлиги	Сохталаштирилган буюмларни сотиш томонидан фойда олиш ёки маҳаллий тушунчаларни ўзгартириш учун товламачилик қилиш мақсади билан, ҳужжатлар, статистикалар ёки объектларни яшаш, мослаштириш ёки ўхшатишга уриниш жараёни.	Forgery is the process of making, adapting, or imitating objects, statistics, or documents with the intent to deceive for the sake of altering the public perception, or to earn profit by selling the forged item.
Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш	Давлат органлари мансабдор шахслари томонидан маҳкумлар ва асирларга нисбатан жисмоний ёки руҳий азоб бериш.	an act committed by a person acting under the color of law specifically intended to inflict severe physical or mental pain or suffering (other than pain or suffering incidental to lawful sanctions) upon another person within his custody or physical control.
Жиноят	Жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.	A culpable socially dangerous act (action or inaction) prohibited by criminal law on pain of imposing of a penalty shall be recognized as a crime.

Жазо	Суд ҳукми билан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси.	A punitive measure of the state to a person found guilty of committing a crime by a sentence of a court.
Криминализация	Ў ёки бу ижтимоий қилмишни жиноят, деб ҳисоблаб, ЖК да ушбу қилмиш учун жинойий жавобгарликнинг белгиланиши.	To turn an activity into a criminal offense by making it illegal and determine criminal responsibility for this action in a Penal Code.
Декриминализация	Жазога лойиқ бўлган қилмиш учун жавобгарликнинг бекор қилинишини.	To remove an action from the legal category of criminal offence.
Пенализация	Жиноят деб топилган қилмишлар учун давлат томонидан нисбатан қаттиқроқ жазоларни белгилаш; жинойий жазоларнинг турлари ва миқдорларини аниқлаш.	To establish more severe penalties for acts recognized as a crime; to determine types and extent of criminal punishment.
Депенализация	Жинойий қилмишлар учун назарда тутилган жазо тизимидан баъзи жазоларнинг самарадор бўлмаганлиги сабабли чиқарилиши.	The removal of a penalty from the system of penalties due to the lack of efficiency.
Халқаро жиноят	Инсоният учун хавфли бўлган, халқаро ҳамжамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатлари, тинчликни сақлаш учун асосий аҳамиятга эга бўлган, халқаро ҳуқук норма ва принципларнинг бузилишига айтилади.	Crimes which affect the peace or safety of humanity, which broke rules of international law.
Терроризм	Аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотиш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади.	It is the use of violence or threat of violence in order to purport a political change.
Одам савдоси	Куч билан таҳдид қилиш	The recruitment,

	ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни сууистеъмом қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдан иборат.	transportation, transfer, harboring or receipt of persons, by means of the threat or use of force or other forms of coercion, of abduction, of fraud, of deception, of the abuse of power or of a position of vulnerability or of the giving or receiving of payments or benefits to achieve the consent of a person having control over another person, for the purpose of exploitation.
Патернализм	Шахслар ҳаётининг яхшироқ бўлишини таъминлаш ёки уларни турли шикастлардан ҳимоя қилиш мақсадида шахсларнинг ҳаракатларига, уларнинг хоҳишига қарши, давлатнинг ёки бошқа шахснинг аралашуви.	The interference of a state or an individual with another person, against their will, and defended or motivated by a claim that the person interfered with will be better off or protected from harm.
Миранда қондаси	“Миранда қондаси” шахс сўроқ қилиниши олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлайди.	“Mirandarights” is a right to silence warning given by police to criminal suspects in police custody (or in a custodial interrogation) before they are interrogated to preserve the admissibility of their statements against them in criminal proceedings.
“Хабеас корпус” институти	“Habeas Corpus amendment act” Англия парламенти томонидан қабул қилинган	Habeas corpus (<i>Medieval Latin translating roughly to "You should have the</i>

	бўлиб, айбланувчини қамокқа олиш ҳамда фуқаронинг қамокқа олиниши ёки қамокда сақланиши устидан суд назоратини амалга ошириш қоидаларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжатдир	<i>body</i>) is a recourse in law whereby a person can report an unlawful detention or imprisonment before a court, usually through a prison official.
Апелляция институти	Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.	A proceeding in which a higher tribunal or court re-examines the decision of a lower tribunal or court, or of an administrative authority.
Кассация институти	Кассация тартибида иш юритиш — процесс иштирокчилари келтирган шикоятлар ёки прокурорнинг протести бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлар ва қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширадиган босқич	The court of cassation shall examine criminal cases pursuant to complaints or protests against sentences or rulings by courts of first instance that have taken legal effect and render ruling.
Дастлабки тергов	Дастлабки тергов – судга қадар иш юритишнинг қисми бўлиб, иш ҳолатлари бўйича дастлабки тергов хулосалари суд учун дастлабки маълумот сифатида қабул қилинади. Дастлабки тергов маълумотлари айблов тусмоли бўлиб, у айблов хулосасида ўз ифодасини топади	A pretrial investigation is the first stage of the criminal process. The purpose of the pre-trial investigation is to quickly and fully determine all significant circumstances of a crime and identify the person who might have committed that crime. The pre-trial investigation is necessary to create the conditions for a proper hearing of the case in court. It also ensures that

		the rights of the various people involved in the case are respected, for example, their right to receive compensation for damages.
Суд тергови	Суд тергови жиноят ҳодисаси, судланувчининг айблилиги масаласи ва жиноят иши учун аҳамият касб этувчи бошқа ҳолатлар ҳал этилувчи суд муҳокамасининг бир босқичи бўлиб, унда суд томонлар тақдим этган далилларни, шунингдек ўзи мустақил равишда талаб қилиб олган далилларни ўрганади	Judicial investigation is a main part of the trial and there will be veriflicated evidences, will be discussed a conviction of defendant and other circumstances of the case by the judge.
Ҳукм	Ҳукм суд мажлисида судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масала хусусида чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарордир	Sentence is the punishment givento a person convicted of a crime. A criminal sentence refers to the formal legal consequences associated with a conviction.
жиноий фаолиятдан олинган даромадлар	Жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк	Money or other property received as a result of a crime, as well as any profits or benefits obtained through the use of such property, as well as money transferred to the property in whole or in part, or at the expense of legal sources and other property
Жиноий фаолиятдан	Мулк (пул маблағлари ёки	If the property (money or

<p>олинган даромадларни легаллаштириш</p>	<p>бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш</p>	<p>other property) is discovered as a result of criminal activity, it shall be entitled to legalize its origin through its transfer, conversion or exchange, as well as the nature, source, location, and disposition of such money or other property. Criminal liability for socially dangerous act, which consists of concealment or concealment of the way of transfer, transfer, actual ownership of money or other property, or to whom they belong</p>
<p>Пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш</p>	<p>Пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш</p>	<p>Prohibition of transfer, conversion, disposal or transfer of cash or other property</p>
<p>Операцияларни тўхтатиб туриш</p>	<p>Мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш</p>	<p>Suspension of execution of client's instructions on transfer, conversion, transfer and possession of other persons as well as other legally significant actions</p>
<p>Терроризмни молиялаштириш</p>	<p>Террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият</p>	<p>Any organization directly or indirectly engaged in, or contributes to, the</p>

	<p>кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкilotларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиной жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш</p>	<p>existence or operation of a terrorist organization, traveling abroad or traveling through the territory of the Republic of Uzbekistan for terrorist activities, preparation or commission of a terrorist act, or terrorist activity or terrorist activity. giving or collecting funds, resources or providing other services, criminal penalties i Social dangerous act</p>
--	--	--

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

Махсус адабиётлар:

7. Усмоналиев М. Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 662 б.
8. Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.
9. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009. – 379 б.

Хорижий адабиётлар:

10. Колоколов Н.А. Судебный контроль в уголовном процессе. –М.: Закон и право, 2009. –с.с. 45–72.
11. Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –В 483.
12. Лопашенко Н. А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реализации. Уголовноеправо в XXI века. М., Лекс Эст, 2009.

13. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, Dundee University Press.

14. W. Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), page 80.

15. An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer, Cambridge University Press.

16. Пикуров Н.И., Пудовочкин Ю.Е. Проблемы квалификации и привлечения к уголовной ответственности за легализацию (отмывание) денежных средств или иного имущества, приобретенных преступным путем. – Москва: МУМЦФМ, 2015.–264 с.

17. Чиханкина Ю.А., Братко А.Г. Финансовый мониторинг. Том I – Москва: Юстицинформ, 2018.–696 с.

18. Чиханкина Ю.А., Братко А.Г. Финансовый мониторинг. Том II – Москва: Юстицинформ, 2018. –480 с.

19. Умарханова Д.Ш. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик: монография. ЖИДУ.–Т.:2017, - 250 б.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.law.uk.edu>
5. <http://www.legislature.ru>